*Янги рукн: Инсон ва иқтисод*

# «ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ»ГА ЯПОНИЯНИНГ ЖАВОБИ

**Акио КАВАТО**

Ғарбда, гўё Япония “ёпиқ” мамлакат бўлганлиги учун, “иқтисодиётнинг глобаллашуви”га дош бера олмади ва бу унинг ҳозирги иқтисодий пасайишига сабаб бўлди, деган қарашлар бор. Бироқ, статистика Япония жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради. Масалан, у АҚШ учун учинчи ўриндаги экспортчи ва иккинчи ўриндаги импортчи бўлса, Хитой учун эса учинчи ўриндаги экспортчи ва биринчи ўриндаги импортчи ҳисобланади.

2000 йилда Япония саноат корхоналари ўз маҳсулотларининг 14 фоизини чет элларда ишлаб чиқарди. 2001 йили Япониянинг хорижий мамлакатлардаги инвестициялари миқдори 1,2 триллион долларни ташкил этди. Ва бу инвестициялар ҳар йили мамлакатга даромадлар, фоизлар ва дивидендлар ҳисобида 54 миллиард долларлик фойда бераётир. Ҳозир Токио биржасидаги барча олди-бердиларнинг тахминан 20 фоизини чет эл сармояси ташкил этади.



Шундай экан, Японияни “ёпиқ” деган қарашлар нимага асосланган? Балки бу японларнинг хориж тилларини унча яхши эгалламагани ёки уларнинг “тушуниб бўлмас” феъл-атвори, ёинки “ҳа” деганини ҳам, “йўқ” деганини ҳам дарров уқиб олиш қийин бўлган “сирли” табассумлари билан боғлиқдир? Эҳтимол, бунда Япониянинг қачондир ҳақиқатдан ҳам ёпиқ мамлакат бўлганлиги ҳақидаги мавҳум тасаввурнинг ёки унинг яқиндагина қолоқ феодализмдан “кутилмаганда чиқиб келганлиги”га доир янглиш фикрларнинг ҳам ўрни бўлиши мумкин.

Бироқ бундай ёндошувда иккита муҳим жиҳат эътибордан соқит қилинаётир. Биринчиси, XVII асрга қадар Япония Хитой етакчилигидаги халқаро савдо-сотиқ муносабатларининг фаол қатнашчиси эди ( Ўша пайтда Хитой мато ва чинни буюмларни экспорт қилувчи ва Европадан асосан кумуш харид қилувчи “жаҳон фабрикаси” эди). Бир пайтлар ҳатто Япония олтинни экспорт қилиш ва шакар харид қилиш бўйича жаҳонда етакчи ўринга ҳам чиққан.

Япония бостириб келаётган мустамлакачиликдан хавфсираб, хориж учун ёпилганидан сўнг ҳам қолоқликка юз тутмай, ривожланишда давом этди. Иқтисодий жиҳатдан ўзини таъминлашнинг қарор топиши мамлакат ичида фаол даражада товар айирбошлашга олиб келди. Мамлакат кўплаб князлик (хон)ликларга бўлинганига қарамай, ягона бозор шаклланиб улгурган эди (бу нафақат бозорнинг феодалча модели, айни чоқда абсолютизм давридаги европача иқтисодга ҳам ўхшаб кетадиган ўзига хос иқтисод тутуми эди).

Ҳунармандчилик юксак даражадаги тараққиётга эришди, буддавийлик ва конфутсийчилик асосидаги меҳнат аҳлоқи қарор топди. Оқибатда, Ғарб Японияни “очилиш”га мажбур этган пайтга келиб, у индустриал инқилобга тайёр эди. Фақат сармоя ва техник омилигина зарур эди, холос.

Сармоя бир қанча урушлар ҳамда деҳқонларни эзиш ҳисобига тўпланди, технология ва менежментлик малакаси эса хориждан пулга сотиб олинди. Ҳаммаси бўлиб етмиш йил ичида Япония иқтисодни индустрлаштиришни ниҳоясига етказди, яъни йирик шаҳарларда ўрта синфнинг ниҳоятда кенг қатлами вужудга келди. Улар бирор даражада “европалашган” ҳаёт тарзи ва фикрлаш савиясига эга эди.

Шунинг учун ҳам, тараққиётнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги шиддатли одимлари кутилмаган ҳол бўлмай, айни чоғда, урушдан олдинги жараённинг давом этиши ва ниҳояланиши эди, дейиш мумкин. Ўша пайтда японларнинг кўпчилиги ўз ширкатларининг қули сифатида эмас, балки бутун вужудлари билан урушдан аввалги ҳаёт даражасига эришишни хоҳловчи инсонлар сифатида меҳнат қилдилар. Бу давр урушдан олдин АҚШда пайдо бўлган “оммавий истеъмолчи”лик ҳаёт тарзининг жаҳон миқёсида кенг қулоч ёйган пайти эди. Бу даврда бошқа мамлакатларда бўлгани каби япон телеэкранларида ҳам мунтазам равишда кўрсатила бошлаган оилавий ҳаёт тарзига доир Америка сериаллари америкача “эталон”ни тарғиб этиб, аҳолини “маданий ҳаёт” омиллари бўлмиш турли ашёлар — совутгичлар, телевизорлар, чанг ютгичлар, микротўлқинли ўчоқлар, пианино ва ниҳоят автомобилларни сотиб олишга ундарди. Япония корхоналари мамлакат ичидаги қатттиқ рақобат шароитида бу молларни ишлаб чиқаришга жонжаҳди билан киришиб кетди.

Шундай қилиб, ички истеъмол ва инвестициялар Япония ялпи миллий маҳсулотини ташкил этувчи бош омиллар бўлиб қолди. Бироқ иқтисодий тараққиёт натижасида ички истеъмол юксак даражага кўтарилди — бу индустриал жиҳатдан ривожланган барча мамлакатларга хос умумий ҳодисадир. Иқтисодий ўсишнинг сустлашуви эса ҳаммавақт кўплаб муаммоларни туғдириши табиий. Бунда одамлар ўз меҳнатининг оқибат натижасига қараб эмас, балки турғун иқтисодиётни бўлиштириш ҳисобига бойлик орттириш пайида бўладилар. Натижада корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашади ва бу уларнинг жаҳон кўламида рақобатга бардошлилигини сусайтиради.

Бундай ҳолларда иқтисодий пасайишнинг олдини олишнинг турли йўллари мавжуд. Баъзилар давлат қимматли қоғозларини оммавий тарзда чиқариш ҳисобига, бошқалар эса экспорт миқдорини ошириш эвазига иқтисодий ўсишни тиклашга ҳаракат қиладилар. Саксонинчи йилларда АҚШда биринчи усулдан фойдаланилди, Япония эса иккинчи омилни қўллади. Натижада Япония экспортининг улуши ялпи миллий маҳсулотнинг 15 фоизига қадар кўтарилди (бунгача у 12 — 13 фоиз эди ). Япония, АҚШдан фарқли ўлароқ, улкан савдо профицитидан фойдалана бошлади. Япония катта миқдордаги Америка қимматли қоғозларини сотиб олиб, бу билан АҚШнинг иқтисодий ўсишини маблағ билан таъминлашга ҳисса қўшган бўлса-да (бу Япония учун энг қулай инвестициялар эди), долларга нисбатан ишонч сезиларли даражада пасайди.

Шундай қилиб, 1985 йили “Катта еттилик”нинг молия вазирлари “доллар курсининг назорат қилинадиган ва мўътадил пасайиши” хусусида келишиб олдилар. Бу билан улар мазкур халқаро валюта курси кескин тушиб кетишининг олдини олишни назарда тутган эдилар. Аммо ҳар куни жаҳон бозорида айланиб турган хусусий пуллар миқдори ҳар қандай давлатнинг валюта курсини назорат қилиш имкониятларидан анча юқоридир. Натижада иенага нисбатан доллар курси кейинги икки йил давомида икки баробар пасайди. Демак, Япония маҳсулотларининг экспорт баҳолари доллар ҳисобида икки баробар кўтарилди. Япониянинг “жаҳон фабрикаси” ўз молларининг рақобатга бардошлилигини (нархлари бўйича) бирдан йўқотди.

Япония ўсишни таъминлашнинг бошқа усулини қўллади. Яъни ҳукуматнинг иқтисодни қўллаш учун ажратаётган маблағларини кўпайтирди ва банк ссудалари фоиз миқдорини пасайтирди.

Ана шу тадбирлар натижасида 90-йиллар бошига келиб Япония иқтисодиёти ўзининг “олтин асри”га эришди. Аммо 1990 йилда акциялар ва ер баҳоси чайқовчиларча ошириб юборилганидан кейин ҳозирги иқтисодий пасайиш бошланди. Тижорат банклари янги қарзлар бериш ҳажмини камайтириб, бир қатор корхоналарнинг молиявий аҳволини оғирлаштирди. Рақобатга бардошлилиги йўқолган япон корхоналари (ойлик маошлар миқдори кўпгина саноати тараққий этган давлатларникига нисбатан анча ортиб кетгани сабабли) ўз ишлаб чиқариш базаларини яна ҳам кўпроқ миқдорда чет элларга, жумладан Хитой ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига кўчира бошлади.

Шунга қарамасдан, бу ҳол Японияда ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам катта таназзулга сабаб бўлмади. Аксинча, аҳолининг ҳақиқий даромадлари 1990 — 1998 йилларда йигирма фоизга ошди. Япония ички миллий маҳсулоти ҳозирги пайтда ҳам барча Осиё давлатлари, шу жумладан Хитой ялпи миллий маҳсулотининг 55 фоизини ташкил этади. 1991 йилдаги СССРдан фарқли ўлароқ, Япония иқтисодиёти “реалроқ”, чунки у қурол-яроғ ишлаб чиқаришга эмас, балки одамлар эҳтиёжи учун зарур буюмлар ишлаб чиқаришга асосланган.

Аммо хорижда иш ўринларини вужудга келтириш жараёни давом этмоқда. Натижада ишсизлик 5 фоиздан ортиб, урушдан кейинги тараққиётдаги энг юқори даражага етди. Бу эса аста-секин “япон модели”нинг бир қанча таркибий қисмларини, яъни умр бўйи иш билан таъминлаш ва иш тажрибасининг ортишига кўра ойлик маошларни ошириб бориш шартларини бузмоқда. Демак, ҳозирги иқтисодий пасайишнинг сабаби “япон модели” эканлиги ҳақидаги тасаввур унчалик тўғри эмас, бинобарин, макроиқтисодий ўзгаришлар “япон модели”ни (юксак даражада тенглик ва барқарор турмушни) сақлаб қолишни қийинлаштирди.

Бу ҳолатдан қандай чиқиш мумкин? “Глобаллашув”дан воз кечиб, яна “хонанишин”ликка қайтиш керакми?

Аммо XXI аср Японияси бу осон йўлни ўзига раво кўрмайди. Биринчидан, ёнилғи, маъдан захиралар, дон ва балиқ импорти учун тўлов имконияти камаяди. Иккинчидан, у юксак технология маҳсулотларини сотиб олиш имкониятидан маҳрум бўлади (Иқтисодий ва технологик тараққиёт юксалгани сари юқори технология маҳсулотлари миқдори кўпайиб боради. Ҳеч бир мамлакат бу маҳсулотларнинг барчасини ишлаб чиқариш устидан ўз ҳукмронлигини ўрната олмайди. Бу эса маҳсулотларни юқори устама баҳоларда халқаро даражада айирбошлаш учун кенг имкониятлар очади. Бошқача қилиб айтганда, глобаллашув АҚШ томонидан иқтисодиётни эгаллаш воситаси эмас. Агар АҚШ баъзи соҳаларда глобал андозалар белгиласа, Япония ёки Европа Иттифоқи бошқа соҳаларда ўз андозаларини жорий этишлари мумкин).

Япония иқтисодиётини қутқариш бошқа йўналишда амалга оширилиши керак. Биринчидан, Япония чет элга олиб чиқиб кетилган саноат соҳалари ўрнига янги тармоқларни яратиши керак. Бундай тармоқлар қуйидагилар бўлиши мумкин: (1) биотехнологиялар, (2) нанотехнологиялар, (3) уй-жой жамғармасини қайта қуриш, (4) компьютерлаштирилган маиший электр жиҳозлар ишлаб чиқариш, (5) янги компьютер дастурлари яратиш, (6) роботлар ишлаб чиқариш ва ҳоказо. 2010 йилга келиб, бу соҳаларнинг маҳсулотини сотишдан тушадиган маблағ 840 миллиард долларга етади. Бу эса ҳозирги ялпи миллий маҳсулотнинг 25 фоизи, демакдир. Бундан ташқари, Япония ўз иқтисодиётидаги хизмат кўрсатиш соҳалари улушини янада кўпайтириши мумкин (ҳозир 60 фоиз).

Иккинчидан, ҳозирги пайтда Япония билан ёнма-ён улкан Хитой бозори шаклланаётганлигини назардан қочирмаслик керак. Бугунги кунда Япониянинг Хитойга экспорти унинг жами экспорти ҳажмида 10 фоиздан ортиқни ташкил этади. Жаҳон банки тахминларига кўра, Япония Хитойнинг Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишидан энг кўп наф кўради. У 2005 йилга келиб, ўз экспорти ҳажмини 61 миллиард долларга етказиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Япония экспортида Хитойнинг салмоғи АҚШнинг салмоғига етса ажаб эмас (1999 йилда 31 фоиз).

Баъзан Япония, АҚШ ва Хитой иқтисодиёти ўртасида ашаддий рақобат мавжуд, бу эса кам ривожланган мамлакатлар учун кўпгина қийинчиликлар туғдиради, деган фикрлар қулоққа чалинади. Чунки жаҳон иқтисодий харитаси улкан мултимиллий корхоналар томонидан бўлиб олинган. Улар янада ривожланиш учун монопол даражадаги молиявий ва технологик қудратга эга.

Аммо ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам умид йўқ эмас. Бу фикрнинг исботи учун Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари, энг аввало, Хитойни мисол келтириш мумкин.

Японияга келсак, у гуллаб-яшнамоқда ва бундан кейин ҳам Осиё — Тинч уммони минтақасининг доимо ўзгариб бораётган иқтисодий харитасида АҚШ ва Хитой билан бир қаторда ўз ўрнига эга бўлади. Бу минтақада мутлақ биринчиликка даъво қилиш унчалик тўғри бўлмаса керак. Бундай даъво оддий халқнинг манфаатларига мос эмас. Барқарор ва фаровон фуқаролик жамияти қуриш биринчи галдаги вазифа бўлиши керак. Шу билан бирга Япония жаҳон саҳнасида европаликлар билан тенгма-тенг фаолият олиб борадиган кишиларни кўпроқ тарбиялаши керак. Зеро, айнан юксак малакали кадрларнинг етишмаслиги туфайли Япония салоҳиятига етарли баҳо бермайдилар. Аммо Япония сўзда эмас, амалда “иқтисодиётнинг глобаллашуви” билан юзма-юз туришга қодирдир.

## ТИЛАБ ОЛДИМ...

Янги йилда тилак айтиш гали келди,
Мен худодан халқим бахтин тилаб олдим.

Илдизлари чуқур кетган бир дарахтни —
Истиқлолнинг кўк дарахтин тилаб олдим.

Бу дарахтни чаппор уриб ўстирмоқ-чун
Туркий элнинг шону шаҳдин тилаб олдим.

Сўрай-сўрай қора сочим оқарганда,
Худо берди, бу гал нақдин тилаб олдим.

Боболарим, момоларим ётган ерни
Киприкларим билан суйдим, силаб олдим.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## КОМИЛЛИК

*Ўзбекистон Қаҳрамони*
*Озод Шарафиддиновга*

Инсон туғилади мурғак қалб билан,
Дунёни кўрай деб, сурай деб даврон.
Ёшимиз улғайиб, билдикки чиндан
Ҳаёт кураш экан, мардларга майдон.

Оллоҳ сенга берган қалбу қаламни,
Қўлингдан юлмоқчи бўлар шайтонлар.
Яратмоқчи бўлсанг янги оламни,
Йўлингда тўғоноқ разил ёлғонлар.

Оқни оқ десангми, қора дегин, дер,
Тўғри йўл бу, десанг, бошлар эгриси.
Виждонни нафсингга қўшиб егин, дер,
Тулкидек чап берар, гапнинг тўғриси!

Бошларда оқ сочлар, юзда ажинлар —
Умр довонининг чизиқларидир.
Қон ичра югурар алвасти жинлар, —
Риёкор дунёнинг йўриқларидир.

Адолат қиличи қўлда бўлса гар,
Синдирар адоват найзаларини.
Айлар мангуликка бир кун муқаррар
Ҳаётнинг ҳар ўтган лаҳзаларини.

Тоққа чиқай десанг, қоя ҳам керак,
Сўқмоқсиз чиқилмас катта йўлга ҳам.
Бино қуламагай гар бўлса тиргак,
Дарахт илдизи-ла бардам, мустаҳкам.

Бунчалар тақдирнинг синови қаттиқ,
Ташлайди қуюн-у гирдобларига.
Кўзда ёлқин бўлган меҳридир иссиқ,
Боқар умид билан офтобларига.

Гоҳида айлайди жисмингни майиб,
Ақл ойнасига бермоқ бўлар дарз.
Дуч келсанг кўзингдан бўлади ғойиб,
Бу ҳам — тирик жонга кутилмаган дарс.

Ёлғиз қолса ҳамки сорбони ҳеч бор
Карвондан норини кетмайди ташлаб.
Эзгулик Қалъасин Мард Посбони бор,
Шукур қилар шунга, умрини яшаб...

Меҳнату қадрга қўйиб обида,
Номингни эъзозлаб, жар солсин халққа.
Шундай яшагилки, озод, пок, ҳалол,
Элинг ҳурматингга қалқсин оёққа!

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ЭЛ СЕВГАН ИНСОНЛАР

## НОМИ УНУТИЛМАЙДИ

Халқ ва Ватан равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилган фидойи инсонларни, ўз асарлари, ижрочилик маҳорати билан маданиятимиз ва санъатимиз тарихида ўчмас из қолдирган адабиёт ва санъат намояндаларини эслаш, уларнинг эзгу ишларини яхшилик билан ёдга олиш халқимизнинг азалий одати.

Янги йил арафасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари бўйича комиссия вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожлантиришда фаол иштирок этган шахслар номини абадийлаштириш тўғрисида киритилган таклифларни кўриб чиқди.

Комиссия мажлисида ҳокимликлар, Ёзувчилар уюшмаси ва маҳаллаларнинг таклифлари инобатга олиниб, юртимизга меҳнати синган бир қанча таниқли шахсларнинг номларини абадийлаштиришга қарор қилинди. Улар орасида адабиёт ва санъат намояндалари ҳам борлиги айрича мамнуният бағишлайди.

Бир неча йиллар олдин Жиззах вилоят мусиқа билим юртига ўзбек замонавий миллий эстрада қўшиқчилигининг улкан намояндаси, буюк хонанда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номи берилган эди. Эндиликда Оҳангарон шаҳридаги 6-сон болалар санъат мактаби ҳам ана шу беназир инсоннинг номи билан аталадиган бўлди.

Бухоро шаҳридаги Когон шоҳ кўчаси ва 3-сон болалар мусиқа мактабига Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифи Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов номи берилди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтаҳур туманидаги “Композиторлар” кўчасига иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, шоир, публицист, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султон Акбарий номи берилди.

Комиссия мажлисининг қарорига биноан пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги “Ховос-2” торкўчасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, узоқ йиллар Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида хизмат қилган, ўрта мактаб ўқувчилари учун “Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис” (1944), “Ўзбек тили грамматикаси. Морфология” (1952), “Ўзбек тили дарслиги” (1964), “Ўқиш китоби” (1973), “Эски ўзбек ёзуви намуналари”" (1973) каби дарсликлар яратган таниқли тилшунос олим Тўхтаназир Шермуҳамедов номи берилди.

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан Ўзбекистон Телерадиокомпанияси замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги энг яхши насрий асар (роман, қисса) ва телесериал учун танлов эълон қилади. Танловга адабий-бадиий журналларда босилган ёки алоҳида китоб ҳолида чиққан роман ва қиссалар, телесериал сценарийлари 2003 йилнинг 4 июлига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қабул этилади.**

**Танловда ғолиб деб топилган асарлар ва улар муаллифларининг номлари Ўзбекистон давлат Мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.**

**Ғолибларга пул мукофотлари белгиланган:**

**энг яхши насрий асар (роман, қисса) учун — 200 минг сўм;**

**энг яхши телесериал сценарийси учун — 200 минг сўм.**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

*Қизиқчак газетхон ёзади*

# ТИРИКЧИЛИК АЙБМИ?

Тошкентда нима кўп, бозор кўп. Эски Жўва, Паркент бозори, Олой бозори ва ҳоказо. Яна шундай мўъжаз бозорлар борки, улар кўпинча кечалари ишлайди. Мазкур бозорларда асосан пиширилган озиқ-овқат сотилади. “Хоним”дан тортиб бедана кабобгача. Яқинда бир танишим: “ўшандай бозорлар ёпилармиш, уларнинг ўрнида ҳамма шароитлари бадастур емакхонлар қурилармиш”, деб қолди.

— Қандай қилиб? Ахир бундай бозорлар катта кўчаларнинг бўйида, метро бекатларининг устида жойлашган-ку! Уларни ким қурар экан? — сўрайман танишимдан.

— Уларними? Албатта, “хоним” ёки бедана кабоб билан савдо қилмоқчи бўлган одам қуради-да, — дейди суҳбатдошим.

Дарҳақиқат, куни кеча Тошкентнинг “Чорраҳа” (крестик) деган жойида кечалари “хоним” тайёрлаб сотадиган аёл билан гаплашиб қолдим. Унинг айтишига қараганда, милиция ходимлари рейд ўтказишиб, уйда тайёрлаб чиқилган озиқ-овқатларни сотишга рухсат беришмаётган экан. Турли касалликлар ана шунақа жойлардан тарқалаётган эмиш. Шунинг учун бу бозорлар ўрнида санитария қоидаларига жавоб берадиган емакхоналар қуришармиш...

Албатта, санитария қоидаларига тўла жавоб берадиган мўъжаз емакхоналар қуриш ва уларда турли-туман тайёр озиқ-овқатлар билан савдо қилиш яхши. Иссиққина жойда ўтириб, икки сих кабоб билан бир чойнак чой ичганга нима етсин. Балки, ўшандай кунларга ҳам етиб борармиз. Аммо, бугун ўша “хоним” сотадиган аёлга ўхшаганларнинг башанг емакхоналар қуришга қудрати етармикан? Қолаверса, улар савдо қиладиган жойларда емакхона қуриб бўлармикан? Масалан, “Буюк Ипак йўли” метро бекатидан чиқаверишда ўшандай емакхонани қаерга қуриш мумкин? Ёки юқоридаги опамиз айтган жой — “Чорраҳа”га қандай емакхона қуриш мумкин? Бу жойларнинг чор атрофи турли-туман дўконлар, кафелар билан ўралган. Бунинг устига бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар ким ҳолига қараб кийим кияди, овқатланади. “Демир” супермаркетига ёки “Интерконтинентал” ресторанига, “Ардус” кафесига кириб овқатланишни ҳар кимнинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Туни билан кўрсатув тайёрлаши зарур бўлган журналист, “Тез ёрдам”да навбатчилик қилаётган врач, такси ҳайдовчилари ва бошқа минглаб тунда ишлайдиган одамлар учун ўша мўъжаз бозорлар қулайроқ-ку. Қолаверса, ўша “Чорраҳа”даги опа ҳам тирикчилик ўтказиши керак. Уйида беш-олти жон бор...

Норасмий хабарларга қараганда, “Отчопар” бозорининг ёпилиши билан минглаб одам ишсиз қолган. Савдо-сотиқнинг тараққий этган мамлакатлар талабларига, санитария қоидаларига мувофиқ бўлишига ҳеч ким қарши эмас. Фақат бу ишларни бирданига амалга ошириб бўлмайди. “Отчопар”нинг ёпилиши билан Тошкент, Андижон, Бухоро, Ургут шаҳарларига чегарадош бўлган бошқа республикаларда “Отчопар”га монанд бозорлар пайдо бўлди. Агар илгари пул “Отчопар”га, яъни Ўзбекистонга оқиб келган бўлса, бугун ўша янгитдан пайдо бўлган бозорларга оқиб кетмоқда.

Мана шу ҳолатнинг ўзи кўрсатиб турибдики, бозор иқтисодини куч билан бошқариб бўлмайди. Бозорни эркинлик тушунчасининг образи, дейиш мумкин. Бу ерда ҳамма истаганини ҳарид қилади, истаганини сотади. Шундай экан, бозорлардан одамларни ҳайдаш ўрнига, уларни кенгайтириш, аста-секинлик билан ўзимиз орзу қилган “Европа стандарти”га яқинлаштириш лозим. Бунинг ягона йўли — бозорларни бошқаришда солиқлардан фойдаланиш. Ўша “Чорраҳа”даги опа қўлига “патент” тутқазиб: “Опажон, мана бу патент учун ойига фалон сўм тўлайсиз, идиш-товоқ, дастурхонларингизни, уйдаги шароитингизни санитария врачи текшириб туради. Агар шуларга рози бўлсангиз, марҳамат, бозорингизни қилаверинг”, дейиш керак, холос. Балки, ўшандай қилинса, тирикчилик кўзимизга айб бўлиб кўринмас...

**Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ**

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси қошидаги репертуар-таҳрир бўлими, 2003 йил “Обод маҳалла” йили деб эълон қилиниши муносабати билан, муаллифлардан мамлакатимиз мустақиллигини, миллий истиқлол ғоясини, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини тарғиб этиш, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ёритишга бағишланган юксак савиядаги бир пардали пиесалар, сценарийлар, қўшиқлар матни ва мусиқа асарларини қабул қилади.**

**Асарлар уч нусхада кўчирилган бўлиб, қуйидаги манзилга юборилиши керак: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Маданият ишлари вазирлиги, репертуар-таҳрир ҳайъати.**

**Тел. 144-57-81, 144-52-83.**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Энг яхши оилавий китобхон” республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Маданият ишлари вазирлиги, республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ўтказган танловни Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров очди. У мазкур танловнинг миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизга эътиборни кучайтириш, аҳоли онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ҳамда ёшларда эзгулик, ватанпарварлик, инсонийлик хислатларини шакллантиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Танлов иштирокчилари учта йўналиш бўйича маҳоратларини намойиш этдилар. Навоий вилоятидан Ашурматовлар оиласи ҳайъат қарорига кўра биринчи ўринни эгаллади. Ўриновлар (Самарқанд) ва Эргашевлар (Тошкент) иккинчи, Юсуповлар (Андижон) ва Раҳимовлар (Наманган) оилалари эса учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

* * *

Маданият ишлари вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод” давлат дастури асосида маънавий бой, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришдаги ҳиссаси, бадиий, адабий, сиёсий билими ва ишдаги фаоллиги билан намуна бўлаётган мураббийларни тақдирлаш маросими бўлди. Маросимни вазир Б.Қурбонов очди ва мукофот эгаларини табриклади. Мукофотланганлардан Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директорининг биринчи ўринбосари Абдурауф Юсупов, шу лицей ўқитувчиси Ева Мовсесянц, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 23-меҳрибонлик уйи директори Светлана Килдишева каби устозлар эътибор учун миннатдорчилик билдирдилар.

# ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

**Йил якунланганда ортга назар ташлаб, босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш яхши анъанадир. Шу маънода Андижон вилоят маданият ишлари бошқармаси фаолиятида ҳам тилга олишга арзигулик ишлар кўп. Бошқарма бошлиғи Маннон ҲАМИДОВ бу ҳақда шундай дейди:**

— Вилоятимиз меҳнат аҳли ўтган йил қўлга киритган ютуқларда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан хурсандмиз. Вилоятимиздаги беш юзга яқин оммавий кутубхона, 180га яқин маданият уйи, клублар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ашула ва рақс ансамбллари бор имкониятларни ишга солиб меҳнат қилмоқдалар.

“Қарияларни қадрлаш йили” муносабати билан ҳар ойда икки маротаба вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида “Оталар чойхонаси — кўнгил кошонаси” мавзуида туркум тадбирлар ўтказилиб келинди. Шаҳар ва туман бадиий жамоалари иштирокида “Наврўз ялласи — 2002” танлови, театрлашган томошалар ўтказилди. Танловда Балиқчи тумани биринчи ўринни олди. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллигига бағишлаб Бобур номидаги вилоят кутубхонасида “Ғазал бўстони булбули” адабий кечаси ўтказилди. Шоҳ ва шоир Бобур таваллудининг 519 йиллиги муносабати илмий-амалий кеча бўлди. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб Андижон Давлат чет тиллари институтида адабий-бадиий кеча ва катта концерт дастури намойиш этилди. “Умид ниҳоллари — 2002” спартакиадасига бағишланган шоу концерт, республика санъат ва мусиқа мактаблари ўқувчиларининг Мухтор Ашрафий номидаги кўрик-танлови, “Фьючерс” халқаро теннис турнирига бағишланган махсус маданий хизматлар кўпчиликнинг ёдида қолди. Санъаткор Сойиб Хўжаев, рақс устаси Абдуғаффор Қодиров ва шоира Саида Зуннунова ижодига бағишланган хотира кечалари ҳам юқори савияда ташкил этилди.

**М.КАРИМОВА ёзиб олди.**

# НАЖОТ — ҲАМКОРЛИКДА

## САЛМОН РУШДИГА ОЧИҚ ХАТ

Жаноб Салмон Рушди!

Мен «Шайтон оятлари» деган асарингиз важидан бўлган можаролар туфайли биринчи марта номингизни эшитгандим. Ўшанда шариат судининг сиз тўғрингиздаги ҳукми аввалига менда норозилик уйғотган эди, лекин асарингиз билан танишиб чиққанимдан сўнг сизни оқлаш учун етарли асос топа олмадим. «Шайтон оятлари» ҳар қандай мусулмоннинг энг муқаддас диний туйғуларини таҳқирлайдиган асар экан. Ўшанда сиз шариат ҳукмидан қочиб, Англияда бошпана топдингиз. Менда эса ортиқ бошқа асарларингиз билан танишишга иштиёқ қолмади.

Орадан йиллар ўтди. Яқинда «Нью-Йорк таймс» газетасида мақолангизга кўзим тушди. Орадан шунча сувлар оқиб кетди. Шу одамда ҳам қандайдир ўзгаришлар содир бўлгандир, деган ўй билан мақолангизни қўлга олдим. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади: «шафқатсиз, тошбағир ислом»ни фош этиш жазаваси ҳамон сизни тарк этмапти. Мақолада Нигерияда яқинда «Жаҳон ойим» танлови атрофида бўлиб ўтган воқеалар, зино қилган нигериялик мусулмон аёлнинг тошбўрон қилишга ҳукм этилгани, Эронда юқори рутбалик дин арбоби тўғрисида қалтис гапсиятгани учун ўлимга ҳукм қилинган йигит, голландиялик мусулмон аёлнинг эркаклар зулмидан шикоят қилгани учун таъқибга учрагани тилга олинган. Мақолада мисрлик Муҳаммад Субҳининг яхудийларга қарши кайфиятдаги кўп серияли филми ҳам эътибордан четда қолмаган. Табиийки, ислом зулмидан жабр кўрган одамлар сафига ўзингизни тиркаб қўйишни ҳам унутмабсиз. Ҳа, буларнинг ҳаммаси факт. Афтидан, уларнинг сонини янада кўпайтирса бўлади. Улар бир ипга тизилиб, бугунги «ёвуз, ғаддор, бутун дунёни бесаранжом қилиб турган ислом»нинг ёқимсиз сиймосини яратишга хизмат қилади. Албатта, жаҳон матбуотида исломга қарши ёзилган бунақа мақолалар кўп. Бу мақолани: «Ҳа, энди аламзада бир одам яна дардини айтиб йиғлаяпти-да» деб, индамай қўя қолса ҳам бўлаверар эди. Аммо мақола қай бир даражада «ислом зиёлилари»га мурожаатга ўхшаб кетади. Сиз мақолангизда келтирилган далиллардан ислом фанатизми ҳақида, фундаментализм ва экстремизм тўғрисида умумлаштирувчи хулосалар чиқарасиз ва зиёлиларни бу иллатларга қарши фаол курашмаётганликда айблайсиз. Сизнингча, ислом зиёлилари бугун деспотизм шароитида қулларча мутеълик билан ҳаёт кечирмоқда, сиз уларни «зиндонлар эшикларини парчалаб», тафаккурни эркинликка олиб чиқишга даъват қиласиз. Ҳатто қизишиб кетиб, исломни янгилаш, «замонавийлаштириш» тўғрисида «қимматли» маслаҳат беришдан ҳам тийилмабсиз. Чиндан-да тан бермасдан илож йўқ — кўп асрлардан бери миллиардлаб одамларнинг қалбини нурлантириб келаётган жаҳон динларидан бирини ўзи тўқиб чиқарган айбларни тақиб, уни «янгилашга» чақирмоқ учун ё одамнинг отнинг каласидек юраги бўлмоғи, ёхуд, жинни-пинни бўлиб қолмоғи керак. Яхшиси, бу гапларни қўйиб, асосий масалага кўчайлик.

Ўзингиз сезиб турган бўлсангиз керак, жаноб Рушди, бу мактубни ёзишдан мақсад на ислом, на унинг зиёлиларини ҳимоя қилиш эмас. Улар менинг ҳимоямга муҳтож эмас. Негаки, ислом зиёлилари ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам истанг аниқ фанлар соҳасида, истанг фалсафа, адабиёт ёхуд руҳоният бобида жаҳон тамаддунига жуда катта ҳисса қўшганлар ва қўшмоқдалар. Исломнинг ниҳоятда мукаммал, таъсирчан ва юксак даражадаги диний тизим экани ҳам аллақачон инсоният томонидан эътироф этилган. Ҳатто бугун ҳам — дунёнинг турли гўшаларидаги енгил шуҳрат ишқибозлари исломни жон-жаҳдлари билан қоралаб ётган бир шароитда Ж.Кусто каби буюк олимларнинг исломни қабул қилгани ёхуд бу диннинг Япония каби тараққий этган мамлакатда тобора кенгроқ тарқалиб бораётгани унинг қудратидан ва жозибасидан дарак бериб турибди.



Лекин таассуфлар бўлғайким, бугунги кунда исломга тош отаётган, йўқ иллатларни зўр бериб унга ёпиштираётган, номусулмон юртларда унга қарши нафрат туйғусини ҳосил қилишга уринаётганлар кўпайиб қолди. Ҳар хил шуаро-ю адиблар, сиёсатчилар, катта-кичик давлат арбоблари «ислом фактори», «ислом хавфи», «ислом терроризми», «ислом экстремизми», «ислом фанатизми» ва шунга ўхшаш «измлар» ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолишди. Мана, сиз ҳам бу гапларнинг чинлигига астойдил ишонасиз, шекилли, калта ўйлайдиган ва билиб-билмай ҳовлиқадиган одамларнинг қарашларини тасдиқлайдиган мақола ёзибсиз. Ачинарли жойи шундаки, бу ола-қуроқ шовқин-суронда баъзан тузук-тузук одамларнинг ҳам овозлари эшитилиб қолади. Афтидан, талвасага тушган одамларнинг жазаваси юқумли бўлади, шекилли, баъзи бировлар кўп йиллик касб-корларини қўйиб, этакларини тошга тўлдиришга киришадилар. Масалан, машҳур шахматчи Каспаров Олмонияда чоп этилган, сўнг «Труд» газетасида кўчириб босилган суҳбатида исломга нисбатан ўта душманлик руҳида гап айтибди. У ёзади:

«Исломга қарши салб юришини бошлаш керак эмас. Бироқ мусулмон дунёсининг бир қисми, жангари фундаменталистлар бизга уруш эълон қилди, биз ҳам уларга жаъмики шафқатсизлик билан жавоб бермоғимиз лозим. Бизнинг душманларимиз террористларгина эмас, уларни қўллаб-қувватловчилар ҳамдир.» Билмадим, Каспаров жаҳон биринчилигини ютқазиб қўйиб, бу гапларни алам устида айтганми, ҳар ҳолда гапининг оҳангидан қўлида атом бўмбаси бўлса, уни ўша «душманлари» бошига ташлашдан ҳам тоймайдиган кўринади. Тавба дегим келади — билмаган нарсага аралашмоқ не керак, шахмат ўйнаб юраверган яхши эмасми?

Билмадим, одамларнинг мудом тили қичиб турадими ёхуд қўли қичийдими, ҳарҳолда, кўпчилик борига қаноат қилиб, тинчлик билан умргузаронлик қилишни билмайдилар ёки истамайдилар. Яқин-яқинларда учинчи минг йилликни кутиб олишда XXI аср ниҳоят тинчлик асри бўлишини, одамларга ақл кириб, ихтилоф-у низоларни қўйиб, тинч-тотув яшамоқларини орзу қилган эдик. Афсуски, орзумиз ушалмади. Бу асрни ҳам бўмбаларнинг портлаши, милтиқларнинг қасир-қусури, ракеталарнинг қашқир мисол чийиллашлари билан кутиб олдик. Инсоният бирон хавф-хатарга қарши курашмаса туролмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Ҳаётда бундай хатар бўлмаса, уни ўзи ўйлаб чиқаради. Мана, ҳозир ҳам — ўйлаб чиқарилган ислом хавфи, яшил хатар... Ҳолбуки, аслида ислом хатари йўқ нарса — ислом тинчлик, тотувлик, аҳиллик дини. У биронта динга ёки биронта сиёсий тузумга қарши эмас, унинг биронта ақидаси, биронта қонун-қоидаси, бирон ғояси урушга чақирмайди, зўравонликни мадҳ этмайди, зулмни оқламайди. У одамларни фақат покликка, тўғриликка, инсофга, адолатга ундайди. Фанатизм ёхуд фундаментализм, терроризм ёхуд экстремизм деганлари исломнинг моҳиятига тааллуқли эмас, балки исломни талқин қилувчи одамлар савияларидан, билим даражаларидан, манфаатларига кўра шунга ўхшаш иллатларни вужудга келтириши мумкин. Шуни ҳам айтмоқ керакки, бу иллатлар номусулмонлар ўртасида ҳам кўп.

Яқинда Россия президенти В.В. Путин фуқаролар билан телемулоқотда терроризм ва ислом ҳақидаги масалага жуда донолик билан жавоб берди. У бу икки тушунчани бир-биридан кескин ажратиш керак, деган фикрни айтиб, террористларни тавсифлаш учун хитойларнинг ажойиб бир иборасини келтирди: террористлар кўкрагида сути бор ҳар бир хотинни «онам» деб орқасидан югурадиган одамлар. Уларни фарқлаш жуда-жуда муҳим, акс ҳолда, номусулмон омманинг онгида ислом дунёдаги ҳамма ёвузликлар, ҳамма иллатларнинг жаъмул жами сифатида гавдалана бошлайдики, бу ҳозир баъзи жойларда кўринаётганидай, қонли можароларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Зўрлик эса ҳамиша зўрликни туғдиради. Бунақа учқунлардан шунақа гулхан пайдо бўлиши мумкинки, унинг ёлқинларида Шарқ ҳам, Ғарб ҳам куйиб кул бўлиши ҳеч гап эмас.

Жаноб Рушди! Мен сизга насиҳат қилиш фикридан жуда узоқман. Шунингдек, сизга ақл ўргатмоқчи ҳам эмасман. Шунинг учун ҳаммага яхши таниш бўлган маълум гапларни кўпроқ гапириб юборганим учун мени маъзур тутасиз.

Ўйлашимча, номусулмон зиёлилари билан ислом зиёлилари бир-бирларига таъна тошларини отишдан тийилиб, гинахонликни йиғиштириб қўйиб, бир-бирларини тушунишга, бир-бирларига дилкаш ва дардкаш бўлишга ҳаракат қилмоқлари керак. Бир-бирини қоралаш, бир-бирига зуғум қилиш йўли муқаррар тарзда боши берк кўчага олиб киради. Унда «борса келмас» жойлардан қайтиш анча оғир кечади.

Мана, биргина мисолни олиб кўрайлик. Сизнингча, мусулмон дунёсида аёлларнинг аҳволи мутлақо ўзгаришсиз — улар ҳали ҳам ичкарининг қули, эркаклар улар устидан зулм ўтказади, улар ҳамма ҳуқуқларни тортиб олган, аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги масаласи эса кун тартибига қўйилган ҳам эмас. Шунинг учун зудлик билан аёлларни оврўпача озодлик билан таъминламоқ керак.

Бу ўринда бундай қарашларнинг нотўғрилигини айтиб, аёллар масаласида шариат ҳуқуқининг қонун-қоидаларини баён қилишга киришсам, бир эмас — бир нечта мақола ёзишга тўғри келарди. Шахсан мен аёл ва эркакнинг тенг эмаслигини ва ҳатто тенг бўлиши мумкин эмаслигини ёқлайман. Тўғрироғи, инсоний ҳуқуқлар нуқтаи назаридан улар тенг бўлиши керак, албатта, аммо ҳаётда тутган ўрни жиҳатидан, зиммасига юкланган олий ва илоҳий вазифаси жиҳатидан, оналиги жиҳатидан у эркакдан беқиёс юқори туриши керак. Шунинг учун тош кўтарган, футбол ўйнаган, боксда бир-бири билан муштлашган, ўзаро кураш тушган хотинларни кўрсам ғашим келади, ҳатто ғазабим қўзийди. Чунки табиат қонунларига амал қилмоқ — эркак эркакнинг, аёл аёлнинг ишини қилмоғи керак, деб ҳисоблайман. Негаки, мен ҳар қанча зиёли бўлмай, томирларимда бироз бўлса-да шарқона ёхуд мусулмон қони оқади, яъни аёл киши эркакча ишласа, рўзғор аравасини бир ўзи тортса, ортиқча кучанса, зўриқса, бунга ор қиламан. Юртимизнинг бошқа кўпгина эркаклари каби менинг ҳам қон-қонимга ва ҳатто қонимдан ўтиб, ирсиятимга сингиб кетган бир ақида бор — рўзғоримни бутлаб қўйиш, аёлимни ҳеч нарсага зориқтирмаслик, унинг шойиста ҳаёт кечирмоғи учун зарур шароитни таъминлаб боришни ўзимнинг бирламчи бурчим деб ҳисоблайман. Бизда эркак одам эркаклиги билан эмас, биринчи навбатда, аёлмандлиги, оиласидаги аёлларга ғамхўрлиги билан белгиланади. Бу ақидалар кеча пайдо бўлган эмас, улар асрлар синовидан ўтган. Шунинг учун бўлса керак, аёлларимиз ҳа деганда оврўпоча эркинликка интилавермайди, эркакларнинг «зулми»га, ичкари «тутқунлиги»га чидаб яшайди. Кўринадики, бизда бу масалалар аллақачон бир шаклга тушган ва маданий менталитетимизнинг узвий қисмига айланган. Бу ўз навбатида бизнинг ҳаёт фалсафамизни ҳам, ахлоқий-маънавий қадриятларимизни ҳам белгилайди. Шунинг учун биздаги эмансипация ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос шаклларда амалга ошади.

Мен оврўпоча эмансипация қандай бўлиши кераклиги тўғрисида йўриқлар бермоқчи эмасман — бунинг фойдаси йўқлигига ақлим етади, лекин бу масалада баъзи фикрларим борки, уларни айтмай туролмайман.

Оврўпода ва, айниқса, Россияда хотин-қизлар эмансипацияси уларни «ижтимоий-фойдали меҳнатга» жалб қилиш шиори остида ўтди. Фақат завод ва фабрикаларда, кон ва қурилишларда, далалар ва боғларида ишлаган аёлларгина чинакам озод аёллар, деб ҳисобланди, қолганлари эса, масалан, уйда ўтириб, 4-5та болани тарбиялаб, вояга етказган аёл ичкарининг ёки оиланинг тутқуни ҳисобланди, негаки, у «фойдали меҳнат билан» машғул эмас эди. Шундай қилиб, XX аср бошларида, миллионлаб аёллар оиладан ажратиб олиниб, бевосита ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Албатта, аёллар ишлаб чиқаришда эркаклар билан баравар бўлмаса-да, бир қатор ҳақ олдилар ва эҳтимол, бу пуллар уларнинг рўзғорида жуда асқотгандир. Лекин шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришдаги эркин аёл эркакча сўкишни ўрганди, ичкиликка ружу қўйди, чека бошлади, юриш-туришида ўз-ўзидан аёллик тароватини йўқота бошлади. Бунақа «озодлик»нинг ҳисоб-китобини қилиб улгурмасдан, шаҳвоний инқилоб бошланди. Оврўпо мамлакатларида бошланган бу ғайри инсоний ҳодиса чўл ёнғинидай бир зумда Россияга ҳам етиб келди ва бу ердаги аёлларнинг қолган-қутган латофатларини ҳам куйдириб битирди. Натижада, аёлларнинг бети қотиб кетди, улар ҳам, эркаклар ҳам уят ва ҳаёни йиғиштириб қўйиб, ишрат масалаларини очиқдан-очиқ, бепарда, беибо сўзлар билан муҳокама қила бошлашди. Оврўпода ва кейинги ўн йиллар ичида адабиётда шунақа бепарда гаплар айтилди, шунақа шармандали шаҳвоний вазиятлар ошкора тасвирландики, уларни кўрса ҳатто машҳур Маркиз де Сад ўз асарларида ишрат масалаларини нечоғли ношудлик билан тасвирлаганини кўриб, хижолатдан яна бир бор ўларди.

Наҳотки, «аёл озодлиги» деган юксак тушунча илиққан жойда қовушиб кетавериш имконидан фойдаланиш бўлса? Наҳотки, озод аёл "бир тўшакда бир вақтнинг ўзида ҳам эрим, ҳам ўйнашим билан бирга ётишни истайман», деб баралла айтса?

Мен биламан — ишқий масалалар муҳим, мураккаб, турфа хил масала, лекин у интим ҳодиса-ку? Худо (истаганлар, майли табиат десин) инсонни яратганда уни ҳайвондан фарқ қиладиган қилиб яратган. Шунинг учун унга ҳаё, уят, ибо каби сифатларни берган. Бу сифатлар асрлар давомида инсоннинг инсонлигини сақлаб келган ва инсониятни қанчадан-қанча фалокатлардан, бало-қазолардан, чириш-иришлардан асраб келган.

**Энди эса биз инсонликнинг ана шу муҳим сифатини улоқтириб ташлаб, яна ҳайвонлик палласига қайтмаяпмизми?** Масаланинг бошқа томони ҳам бор — «эмансипация» пардаси остида бузуқлик, фаҳш, шаҳватпарастлик жуда кенг тарқади — бунинг оқибатида «муҳаббат» деган қадриятдан путур кетди, жамият асосини ташкил қилувчи оила заифлашди, қўйди-чиқди кўпайди, туғилиш камайиб, бутун бошли миллатлар учун йўқолиб кетиш хавфи кўрина бошлади, болалар тарбияси ёмон аҳволга тушди, СПИД кучайди, наркомания кенг тарқала бошлади. Бу нохуш, тўғрироғи, ҳалокатли воқеалар осмондан тушгани йўқ ёки мусулмон жамиятларидан юққан ҳам эмас.

Шундай бўлгандан кейин, ҳали фурсат бутунлай бой берилмасдан олдин зиёлилар йиғилиб, шундай масалаларни ошкора муҳокама этсалар, боши берк кўчадан чиқиш йўлларини изласалар бўлмайдими? Бу дунё ҳисоб-китобли дунё — ҳамма нарсанинг ҳақини тўлаш керак. Озодлик учун ҳам, роҳат-у фароғат учун ҳам, шаҳватпарастлик учун ҳам... Бутун шарқ файласуфлари, мусулмон мутафаккирлари, фақат уларгина эмас, бугун панд-насиҳатлари ва ўгитлари бутунлай унутиб юборилган улуғ юнон донишмандлари ҳам одамларни бежиз нафсни тийиб яшашга чақиришган эмас.

Менинг назаримда, бугун жаҳон яна бир қийин танлов олдида турибди — у ё ихтилофлар йўлини танлайди, яна бир-бирининг тагига сув қуйиш йўлидан, ҳасад ва бахиллик йўлидан боради ва боши берк кўчага кириб, кўп овораи сарсонликларни бошидан кечиради, ёхуд низолар, ихтилофларни бутунлай йиғиштириб, аҳиллик, биродарлик, қардошлик йўлига киради. Бошқа илож йўқ. Путиннинг яна бир иборасидан фойдаланаман: биз ҳаммамиз — оқтанлилар ҳам, қора танлилар ҳам, сариқлар-у ола-булалар ҳам, католиг-у православ, шиа-ю сунний, буддавий-ю маъжусийлар — ҳамма-ҳаммамиз шу курраи заминда яшаймиз. Шоирнинг таъбири билан айтганда, у Қуванинг анорича келаркан, анча мўрт экан, арзимаган нарсадан нобуд бўлмоғи мумкин экан. Курраи заминимизни, яъни ўз уйимизни омон асраб қолмоқ учун ҳам, ўзимизнинг ўз уйимизда эмин-эркин яшамоғимиз учун ҳам бир-биримизга бир оиланинг аъзоларидек муомала қилмоғимиз, иноқ ва аҳил бўлмоғимиз керак.

Нажот ҳамкорликдадир!

Бунга эришмоқ учун эса бутун жаҳон зиёлиларининг хизмати катта бўлмоғи керак!

**Камоли эҳтиром билан**
**Озод ШАРАФИДДИНОВ**
**Тошкент**

*Янги йил тилаклари*

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ:

# ОТНИНГ ДЕВИ БЎЛАДИ



**— Шукур ака, ўтган От йилидан кўнглингиз тўлдими, ишқилиб?..**

— Менинг От йилидан умидим катта эди. Шу номда бир қисса ҳам бошлагандим, «Гулистон» журналида чиқаяпти, давоми қўлимда. Унда асов, улоқчи, эгасига садоқатли бир тулпорнинг қисмати ҳикоя қилинади. У кўп кўпкарилардан улоқни олиб чиқади, эгасига катта шуҳрат келтиради, аммо ўзи ҳайвон бўлиб қолаверади... Ниҳоят, мутлақо кутилмаганда қадр топади.

От йилидаги менинг ҳаётим ҳам шу тарзда ўтди, дейишим мумкин. Кўп ишладим, аммо натижаси кўнглимдагидай чиқмади. Бунинг устига, касал деганидан ҳам қутулмадим. Ниҳоят йил охирлаганда бирданига бир эмас, уч жилдли асарларим чиқадиган бўлди.

Шу маънода От йилида бир сир бор, деб ўйлайман-ов.

Агар шу рост бўлса, ушбу Қўй йилида қобилгина бўлиб, вазминлик билан ишласам, натижаси ёмон бўлмас, деб ўйлайман.

**— Хўш, кириб келаётган Қўй йилидан қандай умидлар бор...**

— Отнинг деви бўлади, дейдилар, шунинг учун унинг ором олиб ухлаганини ҳам биров кўрган эмас. Қўй жонвор эса бошқа жонзод. Мириқиб ором олаётганингизда «тўйган қўзидай ухлаяпти-я», дейишади.

Умуман, қўй жонивор — қўйда: улуғларнинг хабар беришларича, дўзахнинг устидаги қилкўприкнинг устидан ҳам, эгасини ўзига миндириб, жаннатга ўтказиб қўядиган жонзод қўй эмиш.

Аҳмаджон, кўнглимда кўп орзулар туғиляпти. Сезиб турибсиз. Илоё, шу Қўй йилида рўёбга чиқсин.

Бунинг учун эса тинчлик керак, хотиржамлик керак. Иншооллo, бу йил ҳам тинчлик, хотиржамлик йили бўлади.

Сувон МЕЛИ:

# ОРЗУ ИМКОНДАН КАТТА



**— Одатда, орзулар ушалган йилни киши хушнуд хотирлаб, мамнун кузатиб қўяди. Шу маънода, Сизнинг кайфиятингизни билмоқчи эдим. Ўтган йили газетамизда фаол иштирок этдингиз, ташаккур. Бироқ айтилмай, ичингизда қолиб кетган гапларингиз ҳам бордир...**

— Орзу ҳамиша имкондан катта. Кўзланган, орзуланган ҳамма ишни қилиб улгуриш мумкин эмас. Режа орзунинг хизматкори, холос. Одамда кечадиган руҳий-интеллектуал жараён ҳар доим ҳам инсоний ифодага тушмайди, қатъи режага бўйсунмайди. Айтайлик, ўтган йили чиққан «Самовий миқёс...» мақоласи аввалдан режалаштирилган бўлса, «Ҳазиллашманг даҳо билан...» мақоласи бир зарб билан,ногаҳоний бир куч таъсирида қоғозга тушган.

Бултур жуда изчил бўлмаса-да, модернизм ҳақида бир нав баҳс бўлди. Каминанинг бу борада айтган айрим фикрларига ҳам муносабат билдирилди. Мен уларга жавоб беришни лозим топмадим ва ҳозир ҳам шу фикр менда собит. Бултур айтилмаган, лекин кўнгилда кечган хулосавий фикрларни айтиш жоиз, деб ўйлайман.

**Биринчидан.** «Модернизм» сўзининг луғавий ва атамавий маъносини қатъий фарқлаш лозим. «Модерн» ҳақиқатан «янги» деган маънони англатади, лекин ҳар қандай янги яратилган адабиёт «модерн» ёки «модернизм» дегани эмас. «Модернизм» конкрет адабий оқимнинг махсус номи. У XIX аср охири, XX аср бошларида Ғарбий Европа заминида шаклланиб, деярли ҳамма санъат турларини ўз ичига олган, ўзига хос янги (ўз пайти учун, албатта) бадиий тасвир усуллари билан бошқа ижодий методлардан фарқланадиган адабий оқим.

**Иккинчидан.** Модернизм Европа жамияти, ғарб одами чуқур руҳоний таназзулни бошидан кечираётган пайтда вужудга келган. Таназзул бу оқимнинг бадиий тасвир усуллари, янги шаклининг ва мавзу-материал доираси, янги мазмунининг қон-қонига сингиб кетган. Модернизм — таназзул маҳсули.

**Учинчидан.** Ижодкор эркин, у истаган йўлда, жумладан, «модерн» усулида ҳам асар ёзиш ҳуқуқига эга. Лекин билиб қўйиш лозимки, модернизм аллақачон эскирган (модернизм модерн бўлмай қолган) ва бадиий йўл, метод сифатида инсоният бадиияти тарихида бор-йўғи бир тажриба экани аён бўлган. Уни кўз-кўз қилиш, бундай усулда ёзилган асарларга маҳлиё бўлиш жиддий илмга ёт. Ёш ижодкор авлод бу йўлнинг келажаги йўқлигини англаши лозим. Анчайин қатъилик билан айтиш мумкинки, Ғарбда унган бу кўчат ўзбек маънавий заминида ўсмайди, бир-ярим ўсган тақдирда ҳам севиб танаввул қилгулик мева бермайди.

Ва ниҳоят, **тўртинчидан.** Ўзбек адабиётининг келажаги реализмда, Достоевский таъбири билан айтганда, «олий маънодаги» реализмда. Бундай реализмга хаёлот ҳам, туш ҳам, турли-туман эврилишлар, ўзга дунёлар тасвири, мифологик тафаккур ҳам ёт эмас. Лекин, **асосийси,** унда ҳаёт, Халқ ва Инсон турмуши бутун мураккаблиги, шодлигу ғами билан жонли ҳиссий-инсоний тажассумини топган бўлади.

Катта адабиёт — асли шу.

**— Янги йилда қандай режаларга бел боғлагансиз. Муштарийларимизни қайси мавзулардаги мақоллар билан хушнуд этмоқчисиз?**

— Янги йилда, насиб қилса, «XX аср ўзбек адабиётида трагизм» мавзуидаги докторлик ишимни якунлаш ниятидаман. Бу йил 100 йиллиги нишонланадиган улуғ шоиримиз Ғафур Ғуломнинг машҳур «Шум бола» қиссаси ҳақида «Комик катарсис» номли мақолам охирлай деб қолди. Газета вариантини сизга бермоқчиман.

Маълумингизки, анча йиллар олдин жаҳон адабиётининг илк дурдоналаридан бўлмиш Ҳомернинг «Илиада» достони улуғ таржимонимиз Қодир Мирмуҳамедов томонидан ўзбек тилга ўгирилиб, китоб ҳолида босилиб чиқди. Фикримизча, маданиятимиз тарихида улкан воқеа бўлган бу иш етарлича ўз акс-садосини топмади. Лекин «Илиада» ва унинг таржимаси ҳақида гапириш ҳеч қачон кеч эмас. Яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши доирасида Қодир ака билан бир учрашув ташкил этиб, у кишидан «Мен «Илиада»ни қандай таржима қилдим», деган мавзуда бир суҳбат қилиб беришларини сўрамоқчимиз.

Шу аснода ўзим ҳам «Илиада» таржимаси ҳақида бир мақола ёзмоқчиман. Буюк бадиий обидаларнинг она тилимизга таржима қилиниши, у ҳақда жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилиши жорий адабиётимизга самарали таъсир ўтказиши муқаррар.

**Суҳбатдош: А.ОТАБОЕВ**

*Журналларни варақлаганда*



"Аслида ҳеч бир нашрнинг обрўйини унинг ёши белгиламайди. Шундай эса-да, ҳар бир газета ёки журнал ташкил бўлганига фалон йил тўлибди деса, унинг ашаддий ўқувчиси худди бир яқин одамининг туғилган кунини эшитгандай ширин бир энтикади, ҳаяжонланади", деб ёзади "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Собир Ўнар. Дарҳақиқат, барчамизнинг севимли нашримизга айланган "Ёшлик" фаолиятини бошлаганига 20 йил тўлди Биз журнал таҳририятини бу ажойиб сана билан қутлаб, унинг кўпминг сонли муштарийларини 2002 йилнинг охирги сони мундарижаси билан қисқача таништирмоқчимиз.

Назм ихлосамандлари мазкур сонда икки забардаст шоиримизнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлишади. Усмон Азимнинг "Бошимда — қиш, қалбимда — баҳор, тақдиримда — тийрамо..." деб номланган янги шеърлар туркуми ва Йўлдош Эшбекнинг "Бизнинг XXI аср эпопеяси" (Авлодлар достони)дан парча журналнинг мазкур сони салмоғини таъмин этган, десак янглишмаймиз.

Фаол ва меҳнаткаш носирлар Шойим Бўтаевнинг "Шоҳона совға", Нормурод Норқобиловнинг "Овул оралаган бўри" қиссалари бугунги ёшлар прозасининг имкониятларини намойиш этишига, ўқувчиларда яхши таассурот қолдиришига аминмиз.

Таниқли шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг "Суянса бўладиган Ватан" сарлавҳали суҳбатида ҳаёт,ижод, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, "Зомин илҳомлари", "Биринчи учрашув" рукнларида ижод бўсағасида турган бир қанча иқтидорли ёш қаламкашларнинг шеър ва ҳикоялари билан танишасиз. "Талқин", "Тадқиқот" рукнлари остида эса филология фанлари номзоди Н.Маматқулованинг "Изланиш фалсафаси", тадқиқотчи З.Пардаеванинг миллий истиқлол даври ўзбек романчилиги тадрижига доир "Романнинг тараққиёт тамойиллари" мақоласи берилган.

"Ёшлик"нинг мазкур сони бугунги адабий жараённинг энг қайноқ жабҳаси — ёшлар шеърияти ва прозасидаги ижодий изланишларнинг жозиб намуналарини тақдим этган. Ёшликнинг ғайрат-шижоати, илҳом ва интилишлари эндигина йигирма баҳорни қаршилаган бу навқирон нашрга ҳамиша хос бўлиб қолаверишига ишонамиз.

# ТОМОШАБИН СОҒИНДИ...

Ўн йилча бурун Ўзбекистон телевиденияси орқали кўп қисмли ҳинд кинофильми "Махоббхорат" намойиш этилган эди. Эсимда, ўша кунлар миллионлаб телетомошабинлар "ойнаи жаҳон" экранларига кўзга кўринмас иплар ила боғланган эдилар. Бу улуғ асарнинг маънавий-руҳоний кучи шу қадар эди.

Бу филм Ўзбекистон телевидениясининг олтин фондидан ўрин олгани аниқ. Биз истардикки, ушбу асар яна намойиш этилса, аввал кўрганлар яна кўриб завқ олса, ўтган вақт мобайнида етишган янги авлод ёки ўспирин қиз-йигитлар эса ҳинд халқи даҳосининг оламшумул дурдонасига ошно бўлишса.

**С. МЕЛИЕВ,**
**Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди**

# ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ

Эрамиздан аввал Италиянинг Серакуз шаҳарчасида яшаб ўтган олим Архимедни яхши биламиз. У тосда чўмилиб турган пайтда ажойиб кашфиёт қилади ва суюнганидан «Эврика!» («Топдим!») дея саройга — шоҳ ҳузурига югуради.

Бу қадар йирик кашфиётлар ҳар куни содир бўлавермайди. Ва уларни кашф этадиган даҳолар ҳам ҳар йили туғилавермайди.

Германиянинг «Паетик» нашриёти 2003 йилнинг осма тақвимини чоп этди. Унда башар тарихида беқиёс кашфиётлар қилган, инсон тафаккурини фавқулодда янги босқичларга олиб чиққан Архимед, Пифагор, Леонардо да Винчи, Николас Коперник, Йоханнес Кеплер, Блез Паскал, Дмитрий Менделеев каби инсоният тарихий тараққиёти мобайнида турли халқлардан етишиб чиққан алломаларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мухтасар маълумот берилган.

Муҳими шундаки, тақвим муқовасидан юртдошимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Дейдиларким, ҳар бир янгиликда бир лаззат бор», деган ҳикматли сўзлари жой олган. Шунингдек, тақвимда алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилган. Олимнинг астрономия, астрология, география, медицина, фармацевтика, метеорология, минералогия, тарих, дин, фалсафа, адабиёт ва бошқа фанлар билан кенг шуғуллангани, эҳтимол, унинг доно фикри тақвим муқовасидан жой олишига сабаб бўлгандир. Зотан, жаҳон тамаддунида бу қадар хилма-хил соҳаларда тадқиқот олиб борган ва ҳайратомуз янгиликлар яратган қомусий аллома камдан-кам топилади. Ҳаркалай, алломанинг одамзот ҳамиша эслаб, ҳурмат-эҳтиром бажо этиб туриши лозим бўлган даҳолар сафида эътироф этилиши бизга ҳамиша фахру ифтихор бахш этади.

Абдували ҚУТБИДДИН

# Талашаман меҳрингизнинг зиёсини



### БАРОККО 1

*Тошкент талқинлари...*

*муқаддима*

Лавҳамизда баҳор билан қор келадир,
Саҳнамизга заҳмат билан зор келадир,
Қуллуғимиз айтолдигу, йўқ демадик,
Бошимизга дор кетидан дор келадир.

Афсунгарлар шафақни шафқат этдилар,
Нифоқ сочиб ани муаллақ этдилар,
Итоатда кутиб олдик, йўқ демадик,
Бизга бўлиб бериб, сўғин шаҳд этдилар.

Воқеамиз, дала-даштни тарк қилганмиз,
Карвонсарой ичра тийнат шарҳ қилганмиз.
Кўнгил ичра кўнгилларни нарх қилганмиз,
Гоҳо хуфя, гоҳо ошкор чарх қилганмиз.

Хуфтон пайти жайрон бўлдик, ажаб-ажаб,
Чароғ излаб гиргиттон бўлдик, ажаб,
Бировгамас, ўзимизга аталган шу:
Дор устида дор кўтариб юрдик, ажаб.

Лавҳамизда баҳор билан ёз келадир...

### БАРОККО — 2

*Сафардан қайтаётиб...*

Ичим қоп-қорадир, қоп-қора хилқат,
Шам ёқиб кирсанг ҳам ёришмас зинҳор.
Унинг энг тўрида бир хат бор фақат,
Сўзлари увлайди,
Ўқийсанми, ёр,

Бўсанг олови ҳам ўчади, ёнмай,
Пайпаслаб излайсан борми деб, иқрор.
Чўчийман, зулматда кўриниб қолмай,
Сочингдан пардалар
Тўқийсанми, ёр.

Бармоғинг, дудоғинг, нафис тамоғинг,
Ойдин ипакдагу, аммоки бекор.
Мен томон инграниб келган титроғинг
Доналаб мунчоқлар
Қиласанми, ёр.

Муаззам хаёлда зам-зам сувидай,
Ҳаёт обкелдингми ёки ғам, маккор.
Осмон сийнасига теккан кувидай
Қатрадан кўпайиб
Тўласанми, ёр.

Ичим қоп-қорадир, қоп-қора хилқат,
Хуш келдинг, найлайин, сен ҳамми ночор,
Эпласанг, эплай қол қалбимни тирнаб,
Мендан бир оз олдин
Ўласанми, ёр.

### БАРОККО — 3

*Уйда. Уйқу келмаганда, шунчаки.*

Шўху шатанг ёшлигимиз анҳорларда
балиқлар-ла қувламачоқ ўйнайдилар.
Қирғоқларга чиқиб олиб, зерикканда
йиғилари билан бизни қийнайдилар.
Олиб боринг уйингизга — ёлборишар,
баланд-баланд манзарлардан термуламиз,
Ажинимиз деразага чизиқ тортар,
Келолмаймиз, эрта-индин, биз ўламиз.
Мушт урамиз, қўрқа-писа пешонага.
Эслаб-эслаб кўп ёндирган жононани,
Майхонани, жўшиб кетган паймонани,
Ёшлигимиз кун ўтказган кошонани.
Улар эса қийқиришиб ўйнайдилар,
Балиқларнинг орқасидан қувиб-қувиб.
Тўполонлар қилиб қўйиб, суюнарлар,
Биздан айро бир ўзлари куюб-куюб.
Бола-бақра эшитмасин, қийқирманглар,
Воқиф қилманг сиримиздан, ўтинамиз.
Боролмаймиз, бошқа бизни чақирманглар,
Пешонага мушт урамиз қўрқа-писа...
Улар эса анҳорларда бир ўзлари,
Зериксалар бир-бирларин тиғлашади.
Мўлтиратиб биз томонга кўзларини,
Бизни эзиб, эзиб, эзиб йиғлашади.

### БАРОККО — 4

*Ишхонада, туш маҳали.*

Йўқимдан йўрғоғимсан, овунғочим,
Хирагина ўйларимда қўғирчоғим,
Осмон пастлаб қўйган пайти илашганим,
Ой сочини ёйган пайти силашганим.

Муҳаббатим — офатимнинг гулзорисан.

Қарқуноқнинг овозидай овозларинг,
Жаннатданми қўлингдаги бу созларинг,
Карвонингнинг сарбонлари оқ ғозларинг
Шеър ўқишар чайқатгунча қил кўприкни.

Муҳаббатим — нафратимнинг гулзорисан.

Дўсту рақиб қақшаб кетди феълларимдан,
Чаён ниши отилдилар тилларимдан.
Қарғиш босди, юкларидан паришонман,
Қояларни кўтаргандай устихоним.

Муҳаббатим — ғурбатимнинг суҳбатисан.

Боримданам борроғимсан, хобгоҳимсан,
Ёлғиз мени киритгувчи даргоҳимсан,
Ёноғингдан тишлаб олдим, тишламассан,
Хато кетсам ниқтаб-ниқтаб кишламассан.

Муҳаббатим — офатимнинг гулзорисан.

### БАРОККО — 5

*Соат 21. Уйга кетаётиб.*

Ҳароратим, ҳарир рўмол бошгинангда,
Ниначилар хиргойиси қошгинангда,
Олиб қочсам ғунчагина — ёшгинасан,

Чидармисан менинг оташ даштларимда.
Каловланиб совуққотасан бирданига,
Мажнунтолнинг киннаси бор гарданингда,
Азобинг бор қуёш севиб чиққанида

Чидармисан менинг оташ даштларимда.

Кўйлагингнинг тугмалари зарланади,
Билагингни илон қучиб зорланади,
Ун қилади қаҳратон ҳам қорларини,

Чидармисан менинг оташ даштларимда.

Йўлбарс искар тўтиёдай изларингни,
Яшин яшил рангта бўяр тизларингни,
Фаришталар кўзгу тутар юзларингга,

Чидармисан менинг оташ даштларимга.

Ҳароратим, ҳарир рўмол бошгинангда,
Қўниб турар хаёлларим қошгинангда,
Бунчалар ҳам ғунчагина — ёшгинасан,

Чидармисан менинг оташ даштларимга...

### БАРОККО — 6

*Фарғонага боришдан бир кун олдин...*

Кафтларингдан хинодайин ўчибманми,
Ўчоғимда кул титкилар хўрсинишлар.
Хотирангдан хазон янглиғ кўчибманми,
Бўғзим тўла сел келгандай депсинишлар...
Қулоғингда сирғаларинг зирқиллайди,
Нидоларим шамолидан тўлғонасан.
Икки кўзим капалакдай чирқиллаган,
Мен фақирни заб соғиниб уйғонасан.
Шеър айтаман, маст бўласан девонадай,
Ўнгу сўлинг сув қутирган гирёнадай.
Уриласан менга келиб парвонадай,
Урёнадай, урёнадай, урёнадай...
Надир бўлар, ғадир кирар, қичқирасан.
Одамданмас мен тушунган дардинг сени.
Армон номли қайиғингга ўлтирасан,
Чақирасан ер юзининг девларини...
Елка қисиб туйғуларим сиқимлайман,
Ҳар бирини битта йилга тақсимлайман.
Қаҳрланиб қаҳрларим исмлайман,
Иложим йўқ, юрагимни чимчиласам.
Ўчоғимда кул титкилар хўрсинишлар,
Ўчаяпман хотирангдан зилзиладай.
Мендан абас какликдайин беркинасан,
Нолишларим ўхшаяпти чилдирмага...
Кафтларингдан хинодайин ўчибманми...

### БАРОККО — 7

*Таътилнинг 12- куни. Ярим тун.*

Сени топиб олай десам, йўллар қайсар,
Асов отдай пишқиради, юрдирмайди.
Сен суянган дарахтларни кўрсат, десам,
Қушлар қайсар, на ариқлар, на саболар,
Ҳатто само билганини билдирмайди.
Чулдирайди бозорларда гоҳ райҳонлар,
Карбалога олиб кетган биёбонлар,
Ё Лайлини адаштирган шум оҳулар,
Гўзал ёринг лабларини талашурлар.
Ургутимдан бургут қочган аллақайга,
Тошкентимда лочин сўрсам топилмайди.
Қандай сўрай, қайдалигинг қарғалардан,
Тумшуқлари ер судрайди, очилмайди.
Нима қилай, қандоқ қилай, тўлинойим,
Кимлар олиб кетди мендан ул чиройни,
Шунча юлдуз кўр бўлганми ҳеч айтмайди.
Ҳаммаёқни тун ютганми, кеч қайтмайди.
Суриштириб дом-дарагинг тополмадим,
Мозорларда атиргуллар билмадилар,
Қумурсқалар тизилишиб, тизилдилар,
Аммо бирор имлода ҳам ёзмадилар.
Керагимсан, карми булар, жонажоним,
Бўғиламан, нафасим ҳам музлагандек.
Мизғий десам, рашку итоб ўчакишар,
Менсиз сени бутун дунё излагандек.

### БАРОККО — 7 (Давоми).

*Тонг арафаси.*

Жала қуйди, тошлар юмшаб ёрилдилар,
Камалаклар сакраб чиқиб урилдилар,
Ўт-ўланлар ер устига сурилдилар,
Ирмоқларда ғала-ғовур, машмашалар,
Ўзга олам малаклари чўмилдилар.
Тепаларда арғумоқлар ирғишлайди,
Туёқларин урмоқчидай коинотга.
Минг-минг йигит томга чиқиб тебранади.
«Қўлларимиз алиштиринг жуфт қанотга...»
Ўзга олам малаклари чўмилмоқда,
Булоқларнинг оғзи тинмас, севаман деб.
Менам айтай, руҳим мендан ажралмоқда,
Ўз уйимга — фалакларга кетаман деб.
Жала қуяр, дарёларда васвасалар,
Ғулғулага синоатлар кўмилади.
Иблисни ҳам қон қақшаттан раққосалар,
Ўзга олам малаклари чўмилади.
Ишқим менинг, худойимдан омонатим,
Шайх Санъондай сафарларга борамизми,
Аъмолимни совурмоқда хиёнатим,
Ўзга олам малакларин кўрамизми?!
Жала қуйди...

### БАРОККО — 8

*Кечқурун.*

Туядайин кечалари, чўкаверар,
Ўркачида думалоқ ой тақсимчадай.
Сипқорса у умрларни сипқоради,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Теша уриб тош йўнади вақтзодалар,
Мангуликнинг гўшасида ханда тинмас.
Ҳисобига етиб бўлмас арш кунларин,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Ноқис доно уммонидан ҳўплолмайди,
Нопок ҳақнинг китобини ўқиёлмас.
Ҳеч ким нурни бир нуқтага тўплолмайди,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Уйқусида уйғоқ мудом олов аҳли,
Симоб янглиғ бесаришта ҳеч тинчимас.
Худога ҳам эркаланар гўдакдайин,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Вафосизлар жафосиздан суюнадир,
Кабутарлар парвозидан масту аласт.
Бўшаб қолмас жомга қисмат қуюладир,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

### БАРОККО — 9

*Оралиқда...*

Овлоқларда сукунатнинг ёпинчоғи,
Елпинади бутун тананг салқинларда
Нозиктортар, пўпанакдай қўл-оёғинг
Тилло топган каби руҳинг яқинлардан...

Куюб ёттан олам худди жаннатдайин,
Қутирганлар гўё дўстинг садоқатли.
Ийманмайсан шоир бўлиб қолганингдан,
Гўё катта ҳовлинг бордай — ҳашаматли.

Дариғ тутмай марҳаматинг майналарга,
Нон ушоғин тарқатасан чин юракдан.
Момо Ҳаво тавба қилган чайлалардан
Чиққан наво эшик излар ҳар кўкракда.

Чорбоғларда ҳурлар терган анжирларга,
Томоқ тушар, умид билан қимирлайсан,
Андишаю сабр берган занжирларга,
Гапинг ўтмас, аламингдан қитирлайсан.

Овлоқларда ўзинг билан саломлашиб,
Келгандексан яширинча кўришгани.
Эртасига кетишинг бор хайрлашиб,
Ёвузлашиб ёвузлар-ла суришгани.

Одамманми, хаёл қочар, уятинг бор,
Қовоқ уюб, куч сўрайсан, кучланасан.
Унутасан овлоқларга борганингни,
Шафқат билмай яшаш учун ўч оласан.

### БАРОККО — 10

*Худбинлик чегараси. Мутаассирликда.*

Чақмоққа сир сотибман, чақилди,
Булутлар ҳам чақимчи — худо ҳаққи.
Ивиб кетдим туҳматдан, ишондингми,
Худо ҳаққи — осмон лаққи.

Туғилишим холиққа аён эди,
Тақдирим нуқталари баён эди,
Дўзахда аждарга чайнатилдим,
Уфқларда атрга қайнатилдим.

Мирзоликка ўтдим сўнг дод тиғида,
Иншоларим ўтлоқлар шитиридай.
Қоронғунинг томчилаб сиёҳидай
Шивирладим — шивирлаб...

Кўкимтирман баҳорнинг ишвасидан,
Изҳорларим фақат тонг шевасида.
Севгиларим юрагим мевасидай
Татиниб кўр, татиниб...

Чақмоққа сир сотибман, чақилди
Ёмғири дудоқланар — бирам лаққи.
Ёрим, сенга муштоқман — ёқилди
Вужудим чироқлари — худо ҳаққи...

### БАРОККО — 11

*Чорвоқ. Бобомни соғиниб.*

Хижолатман Чорчинорга борганимда,
Кўнглим кирдай, оқлаб уни ололмадим.
Шайтон мени ўз пинжига тортганида
«Душманингман» дея унга айтолмадим.

Гуноҳларим соялари қўлим ушлар,
Қўймас сира чашмага дард оқизгани.
Қаҳқаҳами, масхарами, шум товушлар
Қулоғимни ўйиб кирар, қиздиргани...

Қабрингизга бошим қўйиб пичирласам,
Бобожоним, мендан асло кечмайсизми?!
Оғир экан, мен ўзимни танимасам,
Мени таниб, қучоғингиз очмайсизми?!

Талашмайман ҳувуллаган биносини,
Олса-олсин қорни тўйган майда каслар.
Талашаман меҳрингизнинг зиёсини,
Талашаман ҳис-туйғумни, эҳтиросни...

Тўлқинларим бир кун мени ғарқ қилади.
«Хайр» деган хат осаман эшигимга.
Ким ҳам мени сиздан бошқа хуш кўради,
Сиздан бошқа ким ардоқлар қўшиғимни...

Хижолатман, Чорчинорга борганимда
Балчиқ оқиб тўлиб қолган ариқдайман.
Кўнглим кирдай, оқлаб уни олганимда
Ўз сафига қўшармиди балиқдайлар...

### БАРОККО — 12

*Сўз қолмаганда. Интиқлик.*

Сингандайман, ингандайман, тингандайман,
Санчиқларим санчилгандай курагимга,
Инграйдирман, олма юзлик, сабр айла,
Юргандайман юрак бўлиб юрагимда.

Мени садаф ошуфталик қизиқтирмас,
Ёш келмайдир кўзларимнинг қирғоғига.
Мени дунё деганлари қизиқтирмас,
Ўтгандайман фироқ бўлиб фироғимдан.

Овораман ўзим билан овораман,
Аллақандай манзилларга етгандайман.
Бонг ўзимдан, ўз-ўзимга бечораман,
Ҳаётимдан ҳаёт бўлиб кетгандайман.

Уч-тўрт бурда сўз тиқилган, ютолмайман,
Қинғир-қийшиқ йўл қолгандай йўриғимда.
Сени, жоним, бундан ортиқ кутолмайман,
Ёттандайман оғриқ бўлиб оғриғимда...
Сингандайман...

---

*Барокко — ғалати, ажабланарли (италянча)*

# LASCIATEMI CANTARE*

Ҳикоя

I

Барча аёллар пушти рангни севишади, айниқса, у русум бўлса...

Ҳозир кўпчилик айнан пушти кийимда юришибди. Кўчада ҳар қадамда пушти либосга бурканган хонимларни кўриб, кўнгил яшнайди. Албатта, ўзга ранглар ҳам, масалан, нопармон ҳам учрайди, бироқ пушти нимча ва кўйлаклилар ўта кўп-да, тўғримасми? Бўлмаса, хоҳлаган кунингиз шаҳар марказидаги майдондан бир юриб кўринг!..

Кўзлари чарос, чеҳраси эса рангпаргина Наргиснинг сунъий тилла занжирини ҳақиқий, деб ҳаммани ишонтириб юрган дугонаси Шабнамга мурожаатининг сабаби ҳам шу бўлди:

— Наврўзда пушти костюмим бўлади — тиктираяпман...

— Йўғ-эй! — бир лаҳза ҳайратда қотди Шабнам, китобини халтасига жойлар экан. — Мен қизилидан олмоқчиман, йигитлар донг қотишади...

— Менга пушти кўпроқ ёқади. Василиса хола тўрт долларга тикиб бераман, деди. Юбкаси бурмали бўлиб, этагига кумушранг попир урилади...

— Сен тиктиролмайсан... — деди Шабнам, билимдонларча назар ташлаб.

— Ва оппоқ ёқага жуфт мағиз улайман ҳамда... Наврўзда Анвар Рустамович билан «lasciatemi cantare»га рақс тушаман!

— Айтаяпман-ку, тиктиролмайсан. Сен — тик-тир-ол-май-сан!

— ... Кенг енглари ҳам бурмали бўлади... Сен нима деяпсан ўзи?

— Пушт ранг Анвар Рустамовичга ёқади, деб ўйлайсанми? Ҳеч-да. Кеча ўзим эшитдим. У: «Энг зўр ранг — қизил,» деди.

— Нима бўпти? Менга пушти маъқул: кимга ёқмаса, қарамай қўя қолсин...

II

Шу суҳбатдан сўнг олти ой қаттиқ тежамкорлик натижасида Наргис ўн доллар йиғди. Ялина-ялина босқичдошлари ёрдамида сўмларини валютага алмаштирди. Ахир, валюталар у пайтда эркин алмаштирилмасди-да... Хуллас, чеккан азобини ўзи билади. Тўплаган пули зарур матога етди. Аммо тикувчига икки доллар етмади. У ҳамма томонини ўйлаб кўрди, Наврўз байрамигача етмаган икки долларни тўплаши мумкин экан.

Шунда байрамга янги кийимли бўлади — қиз бола учун бундан ортиқ бахт борми...

Ҳар йили Наврўз байрамига Наргис ўқиётган олийгоҳда талабаларга бепул тушлик берилларди. Бунда талабалар ошхонаси байрамона безатиларди. Ҳатто дастурхонлар етишмаганлигидан, ошхонанинг беўхшов узун устолларига арзон гулқоғозлар тўшаларди. Талабаларнинг муайян гуруҳлари жойлашиб олгач, асосий эшиклар бекитилиб, қўшимча эшикдан ошпалов, турли ширинликлар узатиларди. Анвар Рустамовичдек ёш домлачалар хизматда бўлишади. Дарвоқе... Мен даставвал жаноб Анвар Рустамович хусусида айтишим керак эди... Бу, ахир, пушти, қизил ёки умуман ҳар қандай рангдан қизиқроқ-ку?!

Анварбой ёки талаба қизлар таъбирича, Анвар Рустамович, гуруҳларнинг бирига раҳбар, шахсан мен у тўғрида энг юксак фикрдаман. Анваржон ниҳоятда хушаҳлоқ йигит Институтнинг тўққиз қаватли биносини энг кунжак, қоронғу хоналарида ҳам, у ёш талаба қизчалар билан шуғулланиб ўтиркан, уларни ҳазиллашиб, масалан, чимчилаш у ёқда турсин, ҳатто кўзларига тик боқолмасди. У китоб ёхуд дафтардан нигоҳини узмасди, аммо катта танаффус пайтларида қоматларини кўз-кўз қилиб турган талаба-хонимчаларни қизиқарли ҳангомалар билан кулдираётганлигини кузатиш мумкин эди. Бироқ бу ҳолда ҳам домла талаба қизларни қочиримли латифалар ёки севги хусусидаги чиройли гаплар билан қиқирлатаяпти деб ўйлаш нотўғри бўларди. Чунки Анварбой нафақат асл зиёли ёки талабалари тили билан айтганда, «жентельмен» бўлиши билан бирга яна қатор фазилатлар соҳиби эди-да. Жумладан, у соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси бўлиб, фойдали саналган неъматларнинг барчасини ейиш мутлақо нотўғри, деб ҳисобларди; спорт билан шуғулланганидан қомати алифдек эди... Бундан-да муҳими — Анварбой бўйдоқ эди!

Айтилганидек, Анвар Рустамович байрам дастурхонининг ташкилотчиларидан бири ҳисобланарди. У мусиқачилар ва қўшиқчиларни шахсан танларди. Одатда нимагадир, нотабиий тарзда, оврупоча қўшиқлар миллий байрамда кўпроқ куйланарди. Эҳтимол, рақсга тушилгани-чун бўлса керак...

III

Шабнам ҳам янги кўйлакка пул йиғди. У тайёрини оладиган бўлди: сарвқомат бўлсанг, ҳар қачон ярашадиган нарса олса бўлади, деб ўйларди қиз...

Дугоналар бир уйда, фақат турли қаватларда яшашарди. Байрам арафаси эди. Наргис уйга хаёлчан қайтарди. Унинг хаёлини Шабнамлар яшайдиган хонанинг очиқ деразасидан жаранглаётган бека-кампирнинг серзарда овози бўлди... Пешинда Шабнам йиғлаб, куйлагидан ҳам қизилроқ кўзларини пирпиратиб, Наргиснинг олдига кирди:

— У менга ҳозироқ ижара ҳақини тўламасанг, чиқиб кетасан, деб туриб олди. Ҳамхоналаримда пул йўқ. Ўзим ҳам тишимнинг кирини сўриб юрибман. Қари қарға кўйлак олибсан-ку, демак, пулинг бор, деб туриб олди...

Наргис алам билан дугонасига икки долларини тутди.

— Сен асл дўстсан! Мен пулингни икки ҳафтада қайтараман. Кўйлагимни кириб кўргин...

Наргис дугонасининг ортидан хомуш жилмайиб қолди.

IV

Шабнам Наргиснинг хонасига қушдек учиб кирганда, у эски пайпоғини ямаб ўтирарди.

— Худойим-эй, ҳали ҳам кийинмадингми? Қара! Попир ярашибдими? Ўзимизнинг тикувчига тикдирдим. Елкам тиришиб қолмаганми? Сен нега кийинмадинг?

— Кўйлагим тайёр эмас. Мен бормайман.

— Афсус. Бирон нимангни кий. Фақат ўзимизникилар бўлишади. Ким ҳам қарарди...

— Мен Наврўзга пушти костюмда бораман, деб ният қилувдим.

Шабнамнинг гаплари зое кетди ва у хомуш кайфиятда институт ошхонасига йўл олди ва тез орада дугонасининг кайфиятини унутди.

Наргис пайпоқ ямоғини эрмак қилиб узоқ ўтирди: юраги сиқилди. Кўчадаги байрам либосида юрган одамларни кузатар экан, миясига одамлар ҳақида бирон фикр келмаётганлигини ўйлади. У фақат назари билан кузатарди: на ақлида, на шуурида бирон нарса туймасди. Тўсатдан одамлар илдамлашиб қолишди. Наргис шундан ўзига келди. У шартта деразани очиб юборди — қўлларини узатди. Кўчада ёмғир томчиларди..

У ёмғирни жуда яхши кўрарди, айниқса, ёмғири найсонни...

У зудлик билан устига яхтак, оёқларига шиппак кийиб кўчага чиқди. Гуллар, лолалар кўтарган одамлар шивалай бошлаган ёмғирдан йўрғалашарди. Олди ва кўкраклари очиқ, енгил ёмғирпўшлар тагидан турфа либослар кўзга ташланарди; пуштилари ҳам учрарди...

Хаёлпараст Наргис сайр қилиб, Василиса холанинг устахонасига келиб қолди, у ерга суқ билан назар ташлади. Ишлаб ўтирган хола уни кўриб қолиб, имлаб чақирди:

— Ҳа, ойқиз, байрамга бормадингми? — ўсмоқчилади ўзбекчани бузиб чевар хола.

— Ай, ёқмади... — деди Наргис пули йўқлигидан изза бўлиб. Уни тушуниб турган хола ғаладондан пушти ранг кўйлак чиқарди:

— Ма, яхши кунларга кий! Ҳақини кейинги стипендиянгдан берасан...

Наргис сира буни кутмаганди; у ҳаяжон билан кўйлакни олди-да, холанинг ғадир-будир юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди. Сўнг кўчага югуриб кетди.

У пушти кўйлагида йўлга тушганда, ёмғир ҳамон майда-майдалаб, шивирлаб қўярди. Қиз улкан қувончини яширолмас, ҳатто ёмғирпўшининг олд тугмаларини очиб, яйраганича одимлаб борарди. Майда ёмғир томчилари унинг пешонаси, кўзлари ва лабларига, — қувончига шерик бўлишмоқчидек урилар, — қизалоқ эса бу эркалашлардан қувонаётгандек сакраб-сакраб илдамларди. Ёмғир ҳаддидан ошиб, унинг кўкраклари сари юмалаганди, қиз уялиб ёмғирпўшиннг ёқаларини ёпиб олди

Талабалар ошхонасидан чиқаётган бўғиқ оҳангдан Наргис манзилга етганлигини тушунди. У не кўз билан кўрсинки, Анвар Рустамович иккинчи қаватдан, зинадан тушиб келарди... Майда ёмғир томчилари қизнинг пешонасидаги саркаш турадиган кокилларини намлаб қўйган эди.

— Ассалом, — деди шошилиб қолган қиз ҳаяжондан ҳансираб, Анвар Рустамович бир лаҳза унга ҳайрон боқди. Сўнг бепарво жилмайиб, савол берди: «— Нега ёмғирда юрибсиз? Шамоллаб қолишингиз мумкин...» У нимагадир «нега» сўзида биринчи бўғинга урғу берди. Наргис энтикиб, бир нарсалар демоқчи бўлди, аммо у ўзига келгунича Анвар Рустамович зинадан тушиб, узоқлашиб кетган эди. Қиз қайтиб кетишини ҳам, ичкарига киришини ҳам билмай қолди.

— Ошхонадан «lasciatemi cantare» қўшиғи бўғиқ ва сокин оҳангда таралардди.

Эшқобил ВАЛИ

---

* Куйлашга имкон беринг.

# «МАЪНАВИЯТ ГУЛИСТОНИ»

Тақдимот

Миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалби ва онгига етказиш барчамизнинг, айниқса, ижодкор зиёлиларнинг муҳим вазифасидир. Бу вазифани амалга оширишда ёзувчи ва шоирнинг,олим ва публицистнинг самимий ўй-фикрларининг аҳамияти катта. Чунки дилдан айтилган фикрларгина қалблардан жой олишга лойиқдир. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилиб чиққан «Маънавият гулистони» мажмуасига кирган бир гуруҳ адибларнинг мақолалари ҳам китобхон билан юзма-юз туриб миллий истиқлол ғояси ҳақида суҳбатлашиш ниятида битилгандир.

Муаллифлар бадиаларида миллий истиқлол ғояси тўғрисида фикр юритар эканлар, мушоҳада ва мулоҳазаларини самимий, оддий сўзлар билан баён этишга, сийқаликдан, гапбозликдан узоқроқ туришга интиладилар. Зотан, ўқувчи мажмуа муаллифлари — ёзувчи, шоир, олим, журналистлардан айнан шуни кутади ва янглишмайди. Ғайбулла ас-Саломнинг «Ўртада бегона йўқ» бадиасини ўқийсизми, ёки Аҳмаджон Мелибоевнинг «Истиқлол меъмори», Иброҳим Ғафуровнинг «Яшашнинг таянч нуқтаси», Усмон Азимнинг «Узоқ хайрлашувлар», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Фикрлаш ва ишлаш замони» каби мақолаларини ўқийсизми — барчасида шу куннинг ғоят муҳим, улкан муаммолари ҳақида куйинчаклик билан мулоҳаза юритилади. Тоҳир Малик, Эркин Воҳидов, Абдулла Аъзамов, Сувон Мели, Бойбўта Дўстқораев, Исмоил Шомуродов ва бошқа адибларнинг миллий истиқлол мафкураси, ҳаёт, келажак тўғрисидаги ўй-фикрлари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди, уни мулоҳаза юритишга, тафаккур қилишга ундайди.

Куни кеча Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Маънавият гулистони» мажмуасининг тақдимоти бўлди. Тадбирни университет ректори, профессор Ғ.Шоумаров очди. Унда Олий Мажлис депутатлари — Н.Жўраев, И.Ғафуров, О.Мусурмонова, Х.Дўстмуҳамедов, китоб муаллифлари — И.Шомуродов, С. Мели, Б.Дўстқораев миллий истиқлол мафкураси, мажмуанинг яратилиши тўғрисида сўзладилар.




— Мен Қорбобо эмас, деҳқонман.

Рассом А. ҲАКИМОВ

# ЎҒИРЛИК

## Янги йил оқшомидаги ҳангома

Лаббай?! Қўшниникида! Нега бўларди? Ҳаммасига эркатойимиз сабабчи. Ўзи битта-ку, аммо бутун маҳаллага татийди. Йўқ, Худога шукур уришқоқ эмас. Нима деяпсан, ичмайди. Ҳали ёш-ку. Шу йил пиёз пишиғида ўн учдан ўн тўртга қадам қўяди. Ҳа-да! Шўхлик ҳам гапми? «Бели оғримаганни нон ейишини қара» деган гапни эшитганмисан? Ўша! Уйда на теша қолади, на ўроқ. Ким нима сўраб келса, бериб юбораверади. Кейин мен уйма-уй тентираб, йиғиштириб юраман. Катта гилам билан мошиннинг домкратини ҳали ҳам топганим йўқ. Улар бўлсам ўлиб бўлдим унинг дастидан. Бу нарсаларни осонлик билан топаяпманми? Эсинг жойидами? Ойлик билан тирикчилик қилиб бўларканми? Ҳа-да! Оласан. Олмай кўрчи, ўзингни олиб ташлашади.

Олиб узатиб туриш керак. Механизм ўзи шунақа! Ке гапдан чалғимайлик. Бир бошидан тушунтириб бермасам, барибир тушунмайсан. Бугун тушдан кейин, келинингни онасини табриклагани кетган эдик. Кетишдан олдин, ўғилга яна бир марта «Ҳеч нарсага тегинмагин, икки соатда келамиз, сен «видик» кўриб ўтиргин», — деб тайинладик... Йўл-йўлакай, кечаси келиб, тойчоқни табриклаб кетсин деб, Қорбобонинг томоғини ёғладик. Уйга қайтсак жимжитлик! Иккинчи қаватга кўтарилдик. Жимжит! Учинчи қаватда ҳам шу аҳвол. Ертўлага тушдим. Кўчиб кетган ҳовлига ўхшайди. Ҳовли бурчагида оёғини узатиб бўрибосар ухлаб ётибди. Аммо тойчоқ кўринмайди. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Онасини-ку қўяверасиз. Ранги девор! Яна юқорига отилдим. 120 киши сиғадиган меҳмонхона ўртасидаги 50 долларлик арча 200 долларлик ўйинчоқлари билан йўқ. Осмонга чиқдими, ерга кирдими, Худо билади. Бу аҳволни кўриб хотиннинг эси оғиб, 500 долларлик ипак гилам устига «гурс» этиб йиқилди. Сувга югурдим. Ҳовлининг ўртасидаги фавворалик ҳовузнинг суви музлаган. Жўмракда ҳам сув йўқ. Қўқон дўппини тўлдириб олиб келган қорни башарасига сепиб аранг ўзига келтириб олдим. Хотинни ўрнидан турғазаётиб, деворга кўзим тушиб қолди. Олти метрлик эроний ипак гилам осилган жойда тўртта михдан бошқа нарса йўқ. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Болани шу гиламга ўраб... Хотинга қарадим. Унинг кўзи жавон устидаги икки юз долларлик «музикальний центр» ўрнатилган бўш жойда эди. Жавон устида иккита кассетанинг лентаси чуваланиб ётарди.

— Шип-шийдам қилиб кетишибди-ку! — Ўзига келган хотиннинг оғзидан чиққан гап шу бўлди. Оёқни қўлга олиб болахонага югурдим. «Дод» солиб қўни-қўшниларни чақирмоқчи бўлдим. Аммо... овозим бўғзимда қолди. Бақира олмадим. Сабаби кўзим қўшнининг ҳовлисига тушиб қолди. У ерда эса... У ерда... Эҳ, боласи тушмагур! Не кўз билан кўрайки, ўқитувчи қўшнимизнинг томига қора қоғоз ёпилган, пахса деворининг ярми сувалмаган ҳовлисида 200 долларлик ўйинчоқларни кўз-кўз қилиб, уч метр келадиган 50 долларга олинган арча товланиб турарди. Худди шу пайт 300 долларлик нақшиндор кўча эшиги «тарақлаб» очилиб, тойчоқ ҳовлиқиб кириб келди. Мен ўзимни пастга урдим. Ўғилни қулоғини чўзиб қўймаса бўлмайди. Лекин уни мен билан гаплашгудек ҳолати йўқ эди.

— Келдингларми, бўлақолинглар. — У йўл-йўлакай шундай деб меҳмонхонага кирди-ю, апил-тапил жавонда тизилиб турган биллур қадаҳларни кумуш баркашга тера бошлади.

— Ҳой, бола, нима қиляпсан? Бу қадаҳларни солиқ идорасининг бошлиғи хотини билан меҳмонга келганида ҳам жойидан қимирлатмаган эдик-ку, — дедим жон ҳолатда.

— Бу ерда чанг босиб ётганидан кўра ишласин!

— Тушунтириб гапирсанг-чи, уларни нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, дада, хизмат қилсин! Соат ўн иккига занг урганда, Озодаларнинг лаби учган пиёласида шампанский ичмаймиз-ку!

— Нега энди Озодаларникида шампанский ичишимиз керак?

— Чунки «Янги йил»ни ўшаларникида ҳаммамиз бирга кутиб оламиз.

— Ҳой, менга қара, бола, кўп қонимни қайнатма. Уч қаватлик, қирқ олти хоналик уйимиз туриб, нега энди ўша Озодангни гувала деворлик уйида Янги йилни кутиб олишимиз керак экан?

— Негаки, улар бизнинг қўшнимиз. Яхши қўшнилар топган-тутганини байрам кунлари ўртада баҳам кўришлари керак.

Эр-хотин, ўн тўртга кираётган тойчоқнинг гапига нима деб жавоб топишни билмадик. Чунки бу гапларни ўқитувчилик қилиб юрган кезларим унга ўзим ўргатган эдимда. Бирдан девордаги осма соат бонг уриб, ўн беш дақиқа кам ўн икки бўлганлигини билдирди. Ўн беш дақиқада нима ҳам қилишимиз мумкин? Мен ошхонага югурдим. Янги йил дастурхони учун харид қилинган масаллиқларни икки кишилашиб кўтариб қўшникига равона бўлдик. Байрам кечасида бизнинг тойчоқ қўшнимизнинг қизи Озода билан елиб-югуриб бизга хизмат қилишди. Қиз хотинимга унчалик ёқмаган бўлса ҳам менга маъқул. Истараси иссиқ, оёқ-қўли чаққонгина, энг муҳими, бўйи бизнинг тойчоқдан баланд эмас экан.

Жўра МАҲМУД

Саъдулла СИЁЕВ

# ЯНГИ ЗАМОН ЛАТИФАЛАРИ

## БИРОВНИНГ ПЎСТИНИ

Бир одам театрга тушди. Томошанинг ярмига борганда зерикди. Бир тарафдан зал совуқ, унинг устига саҳнада ўйналаётган воқеа ҳам бачкана эди. Кетгиси келди. Пастга тушди. Кийимхонага бориб, пўстинини сўради. Кийим берувчи унга ялтоқланиб боқди.

— Ие, кетопсизми, акамулло? Шундайчин яхши ўйинни ташлаб-а?

— Яхши бўлса артистлар ўзи кўраверсин, — деди томошабиннинг энсаси қотиб, — пўстинни олинг.

— Боз сабр қиле-енг, акамулло! Ҳалиги ошиқ бача қўшиғини айтиб қайлиғини чақириб олсинда, ахир. Мен сизга бир пиёла чой берай, ичиб туринг.

— Э, қизиқ одам экансиз-ку, амаки! Ошиқ йигитингиз билан нима ишим бор? Пўстинни беринг, кетаман.

— Берамиз, акамулло, берамиз, шу дамгача біровнинг жомасини кийиб қочган мардум эмасмиз. Як нафас сабр кунед, акамулло...

— Пўстин! — деб бақирди томошабин.

Чол номига илгакдаги кийимларни нари-бери суриб кўра бошлади.

— Ҳали замон кўрувдим сабил қолгурни. Қайси гўрга кетди, ман ҳайрон...

Шу пайт тепадан ҳовлиқиб бир йигит тушиб келди.

— Пўстинингиз бу ёкда, — деди у ва ечиб эгасига тутқазди. Томошабин бир пўстинига, бир актёр йигитга қараб ажабланди.

— Тушунмадим. Нега менинг пўстинимни кийиб юрибсиз?

— Айбга қўшмайсиз, ака, бозор иқтисоди. Гоҳо томошабинларнинг кийим-бошидан фойдаланиб турмасак, театрда тузукроқ кийимнинг ўзи қолмади...

## УХЛАТАДИГАН «ДОРИ»

Ким нима деса десину, аммо бизнинг дўхтирларимиз орасида ҳам ўша мақтанчоқ чет элликлар олдига похол тўшаб кетадиган устомонлар бор. Ишонмасангиз, мана бу воқеага қулоқ солинг.

Бир кишининг аҳволи оғирлашиб касалхонага тушди. Уни операцияга ётқиздилар. Жарроҳлар ювиниб-чайиниб тахт бўлишди. Энди беморга наркоз бериш керак эди. Бироқ аксига олиб, наркозчи дўхтир келавермади.

Шу пайт эшикда Шоймардон деган шумхаёл, ҳазилкаш дўхтир кўринди. У жарроҳларнинг бир нарсадан дилгир бўлиб турганини сезиб ичкари ўтди. Икки оғиз гапдан масалага тушунди. Секин беморнинг тепасига борди, энгашиб унинг қулоғига шивирлади:

— Ёриев, сизни бир йўла учта катта дўхтир операция қилмоқчи. Ўзингиз тушунасиз, уларнинг ҳар бирига битта-битта кўкидан бериш керак. Сигир-бузоқ, дегандай, бордир уйда? Сотасиз-да, тоға. Жонингиз омон бўлса, мол топилади.

Бемор кўзларини пирпиратди, бир нима демоқчи бўлиб тамшанди ва... ҳушидан кетди. Шоймардон касбдошларига ўгирилди:

— Ана, текин наркоз! Бир соат ўзига келмайди. Бемалол кесаверинглар.

Ёриевнинг касали кўричак экан, ярим соатга қолмай бажо қилишди. Бемор кўзини очганда тепасида Шоймардон илжайиб турарди: — Ҳазиллашдик, тоға, хафа бўлмайсиз. Бир сўмингиз керак эмас. Сигир-бузоғингиз ўзингизга буюрсин. Отдай бўлиб кетинг.

## ҲУШИНИ ЙИҒИБ ОЛДИ

Янги чиққан ўзбек бойларидан бири шоҳкўчада «Мерседес»-ини учириб кетаётган эди. Шу пайт ён кўчадан кўҳнароқ бир «ВОЛГА» чиқдию «Мерседес»нинг йўлини кесиб ўтди. Бу бойваччага алам қилди. «Вой, хумпар-ей, ҳали сиз бизнинг олдимизга тушадиган бўлдингизми?» деб уни қувиб кетди. Ҳаш-паш дегунча етиб олди. Машинасини «Волга»нинг тумшуғига тираб қўйди. Қўлига катта тош олиб, «ғўдайган машина»нинг ойнасини ура кетди. «Волга» пачақ бўлди. Бойвачча нафас ростлаб ичкарига мўралади. Қараса, кимсан туман прокурорининг ўзи ўтирибди! Бойваччанинг миясига қон урди. Дарров ҳушини йиғиб олиб, таъзим қилди:

— Ассалому алайкум, хўжайин... Янги йиллари муборак бўлсин! Деразангизни тақиллатаман, эшитмайдилар. Ўзларига атаб қўйган арзимаган нарсамиз бор эди, қайси уйларига оборсак экан, деб сўрамоқчийдик...

## «НЕКСИЯ»НИНГ ИЛДИЗИ

*Соғлом бўлай десанг,*
*солиқдан қочма.*
(Янги чиққан шиор).

Тўйчиевни бир идорага чақирдилар. У саҳар туриб йўлга тушди. Бу идорага кириш ҳам қийин экан. Эшикда бир қоровул, чархпалакдек айланма тўсикдан ўтсанг, яна бир қоровул. Тўйчиев қўлидаги чақириқ қоғозини пеш қилиб аранг ичкарига ўтиб олди.

Ваҳимали хонада жиккаккина, олакўз йигит ўтирган экан. Тўйчиев уни таниди, лекин ўзини танимаганга олди.

— Яхшимисиз, ука. Чақиртирган экансиз, келдик.

Олакўз столдан бошини кўтармай тўнғиллади:

— Ҳм, чақирмасак келмайсизми? Бойлик орттириш деганда дўппингизни тишлаб югурасиз, солиқ тўлашга келганда думингизни тутқазмайсиз! Шунақами?

— Унчалик эмас, — деди Тўйчиев, — биз ҳамма солиқларни ўз вақтида тўлаб турибмиз.

— Фамилиянгиз?

— Тўйчев. Саттор Тўйчиев.

— Ҳозир кўрамиз-да, — деди жиккак йигит ва ёнбошидан қалин дафтар олиб титкилай бошлади, — Тоймасов, Турдиев... Ҳа, мана, Тўйчиев Саттор. Ие, машинангиз бор экан-ку? «Нексия»! Суперсалон! Қуллуқ бўлсин...

Тўйчиев айбдор кишидек хижолат бўлди:

— Раҳмат. Ҳа энди бир кўнгил кетган эди-да...

— Мен сизга машина қуллуқ бўлсин, деяётганим йўқ, солиқдан қочиб юрганингиз қуллуқ бўлсин, деяпман!

— Қочиб юрганим йўқ, — деди Тўйчиев, — уни эндигина олдим.

Йигит иягини кўтариб чимирилди:

— Айтмоқчи, ўша «Нексия»ни қайси пулга олгансиз, билсак бўладими? Декларациянгиз борми?

— Эскироқ бир «Москвич»им бор эди, уни сотдим, кейин қайнимдан, укамдан қарз олдим.

— Хўш, «Москвич»ни-чи, уни ҳам қарзга олувдингизми?

— Йўқ. Аввал «Запорож»им бор эди. Сотдим. Ойликдан бир сиқим-бир сиқим орттириб...

Олакўз йигит товушини кўтарди:

— Ҳов, амаки! «Запорож» осмондан тушмайди. Уни ҳам пулга берадилар. Ўзингиз анчайин бир ўқитувчи экансиз. Ойликдан орттириб машина олдим деганингизга қайси аҳмоқ ишонади? Тўғрисини айтаверинг!

— Ундан олдин велосипедим бор эди...

Олакўз энди ошкора калака қилишга ўтди:

— Велосипедни ҳам, ҳойнаҳой, қарзга олганман, дерсиз?

— Йўқ, — деди Тўйчиев, уни менга сизнинг отангиз совға қилган эди. Олакўз йигит оғзини қийшайтириб ажабланди:

— Нега энди менинг отам сизга велосипед совға қилар экан? Нима, сиз етти туғиб бир қолганимисиз?

— Отангиз мендан қарз эди. Эсингизда бўлса, сиз институтга киролмай ўмбалоқ ошдингиз. Кейин дадангиз олдимга йиғлаб келди. «Жон Тўйчиев, институтда танишларинг бор экан, бизнинг ўғилчага ёрдам беривор, яхшилигингни унутмайман», деди. Бир амаллаб сизни институтга жойладик. Эвазига велосипедлик бўлиб қолдим.

Жиккак амалдор севиниб кетди.

— Ана-а... Масала равшан. Демак, сиз бир ҳалол, меҳнаткаш одамдан пора олгансиз! Мана «Нексия»нинг илдизи қаёкда экан! Мен бу ишни шундайлигича қолдиролмайман. Ҳали гувоҳларни чақириб гаплашамиз.

Тўйчиев эшикка қараб юрди.

— Отангизни ҳам чақириш эсингиздан чиқмасин, — деди аста. Олакўз жазаваси тутиб бақирди:

— Керак бўлса чақиртирамиз ҳам!

Тўйчиев индамай чиқиб кетди. У биладики, Олакўз икки дунёда ҳам отасини чақиролмайди. Чунки унинг отаси ўлган эди.

## ҚАНОТЛИ ТУЯ

***Кунгабоғарлар ҳаётидан***

Бошлиғимиз гапини, одатига кўра, ваъз айтишдан бошлади. Баҳорда мушук нега мов бўлишини, аёллар нима учун сийнабанд тақишини, эркаклар нимага камар боғлаб юришини обдон тушунтиргач, муддаога ўтди:

— Ана энди ёзамиз. Шефдан шундай топшириқ бўлди. Демак, 1 сентябрдан куз ойи бошланади, деб ҳисоблансин. Биринчи март баҳорнинг бошланиши, 21 мартни шеф Наврўз куни, деб белгиладилар. Буни ҳеч ким ўзгартиролмайди, чунки бу — шефнинг буйруқлари. Ёзилдими? Энди иккинчи масала. Шефнинг айтишларига қараганда, кўпинча биз вилоят марказларини чалкаштириб юборамиз экан. Бунга энди чек қўйилди. Мана, шефнинг ўз қўллари билан битилган рўйхат. Ёзамиз. Андижон вилоятининг маркази — Андижон, Тошкент вилоятининг маркази — Тошкент, Сурхондарё вилоятининг маркази... ие, бу ерда Термиз дейилибди-ку? Наҳотки, шеф адашган бўлсалар... Телефон қилиб сўрасаммикан? Йўқ, шеф адашмайдилар. У киши адашиши мумкин эмас. Ёздик! Демак, Сурхондарё вилоятининг маркази, шефнинг рўйхатига кўра, Термиз шаҳри, деб ҳисоблансин. Йил охиригача мана шу рўйхатга қатъий амал қиламиз. Ясно?

Сомелар қанотли туя кўргандек, кичкина шефчанинг башарасига бақрайиб тикилиб қолдилар.

Ниҳоят, кимдир бўйнини чўзиб минғиллади:

— Менда битта таклиф бор эди. Бундан кейин қўйнинг эркагини қўчқор, эчкининг боласини улоқ деб атасак. Агар қаршилар бўлмаса-да...

— Буни шефдан сўраб кўриш керак, — деди бошлиғимиз, — у киши рози бўлсалар, майли. Бўлмаса, ўзбошимчалик қилиб қўчқор, улоқ, деб ёзиб юрманглар. Всё!



## СИЗГА

Сизга муҳаббатим, Сизга ҳурматим,
Сизга сийратим-у, Сизга суръатим.
Сизга ийманишим, Сизга журъатим,
Сизга ҳолислигим, Сизга қудратим.

*Мели Фармоновнинг*
*«Сизга» шеъридан.*

**Ухламаган тунларим Сизга,**
**Ишламаган кунларим Сизга.**
**Сизга барча даромадим ҳам,**
**Ҳатто андак камомадим ҳам.**

**Ковушимни кийиб кета қонг,**
**Товушимга тўйиб кета қонг.**
**Олиб кетинг этимни, майли,**
**Суягимни қўйиб кета қонг.**

**Ҳароратим ошиб кеттан пайт,**
**Ва илҳомим тошиб кеттан пайт,**
**Қора бўлган талай қоғозлар,**
**Донсиз қолган товуғу ғозлар,**

**Тушиб кеттан оғиздан тишим,**
**Қолиб кеттан асосий ишим,**
**Ҳайқириғим-хитобим Сизга,**
**Чоп этилган китобим Сизга.**

## СЕВИШ КЕРАК ВАҚТИДА

Ишқ-муҳаббат бошдан-оёқ
андуҳ экан,
Севмай қўйдим, кўпдан буён
севмай қўйдим.

*Усмон Бекнинг*
*«Севмай қўйдим» шеъридан.*

**Билсанг ишқни, Усмонбек, бир машина шағал у,**
**Бир қарасанг, пари-ю, бир қарасанг дағал у.**

## ҒАЛВИР

**Севиш керак вақтида, юрма тағин**
**кечикиб,**
**Ёр васлига етмаган ўлиб кетар**
**ичикиб.**

## ЎТИБ КЕТДИ У ЗАМОНЛАР

Ўзи тушар ким қазиса чоҳ,
Билмайсанми шуни, эси паст.
Маслаҳатим, бўлмагин гумроҳ
Ва қилмагил одамларга қасд.

*Абдулҳамид ТЎЙЧИЕВнинг*
*«Шундай метинки...» шеъридан.*

**Қанақа сен, эсинг борми,**
**Буни қайтар дунё, дейди.**
**Ким бировга мушт туширса,**
**Бир кун ўзи зўр мушт ейди.**
**Бировларнинг чўнтагига**
**Тиқа кўрма қўлингни-я.**
**Ҳеч ҳам сезмай қоласан-а,**
**Шилиб кетса пулингни-я.**
**Кулсанг боши тақирларга,**
**Албат бошинг бўлар тақир,**
**Дўстим, бундай насиҳатнинг**
**Умри ўтиб кетди ахир.**
**Қанақа сен...**

Абдураззоқ ОБРЎЙ

## ҚОРБОБО

**Қорбобо очиб қопин,**
**Тарқатди совға.**
**Ҳаммани севинтирди,**
**Тугади ғавғо.**

**Эртаси кун гупиллаб**
**Қор ёққан маҳал.**
**Қорбобога болалар**
**Қўйишди ҳайкал.**

## СУЮНЧИ БЕРИНГ

**Мактабдан келса Нодир**
**Энаси сўрар нолиб:**
**— Яна келгандирсан-а**
**Ўқишдан «2» олиб.**

**— Йўқ, энажон, бугун-чи**
**Жавобимга, — дер Нодир,**
**Хайрият, «2» эмас,**
**Ўқитувчим қўйди «1»!**

## АЙБ

**Ари чақди**
**Набини —**
**Келиб-келиб**
**Лабини.**

**Ўзи ҳам юриб**
**Саёқ,**
**Қўлига олиб**
**Таёқ,**

**Ёқиб шу иш**
**Жинига,**
**Суқди ари,**
**Инига.**

**Миниб ғазаб**
**Отини,**
**Ари берди**
**Додини.**

**Шишди Набининг**
**Лаби,**
**Юзига чиқди**
**Айби.**

## БИРИНЧИ СИНФДА

**— Мактабингга чоп, қизим,**
**Жўнаш вақтинг етди-ку!**
**— Бўлади-да, дадажон,**
**Икки акам кетди-ку?**

## ОСОН ЭМАС

**Орифжоннинг дадаси**
**Жуда каттакон олим.**
**Ишга «Волга»да бориб,**
**«Волга»да қайтар доим.**

**Лекин унга осонмас,**
**Ёзиш-чизиш, қийин иш.**
**Ҳам ёзда бўйинбоғ-у**
**Костюмни ечмай юриш.**

## КИМ ҚАНАҚА?

**Дарозман деб жирафа**
**Ўзидан бўлар хафа.**

## Ўзим ўқийман

**Миттиман деб чумоли**
**Жуда ўйланиб қолди.**

**Семизман дея чўчқа**
**Овқат емади бошқа.**

**Кўрқоқман, деб қуёнча**
**Кўз ёши қилди анча.**

**Бўри қилиб ваҳший иш,**
**Энди кўзлар яхши иш.**

**Шум-да, иқрор бўп тулки,**
**Илк бор ўзидан кулди.**

**Фақат эшак нишхўрд еб,**
**Ҳанграр «ақллиман» деб.**

Неъмат ДУШАЕВ

## Дунё — кенг...

### ҚОР ЎҒРИСИ

**Шунақаси ҳам бўларканми, деб ажаблансангиз керак. Йўқ, бундай ножўя ҳаракат қор қаҳат бўладиган Африкадамас, балки табиат ўзининг бу «неъмат»ини қўш қўллаб берадиган Россияда рўй берганига одамнинг ишонгиси келмайди.**

Хуллас,янги йил арафасида Россияда биринчи марта қор ўғрилаш ҳодисаси расман қайд этилди. Бу ҳодиса Москва вилоятининг Волоколамск туманида рўй берди. Тумандаги «Автодорожник» дала-ҳовли ўртоқлик жамиятда Андрейченко деган аёл иккита қўшнисининг дала-ҳовлисидаги қорни кураб-сидириб ўзининг дала-ҳовлисига ташлаган. Қўшнилардан ўмарган «оқ олтин»ни ўзининг дарахт ва кўчатлари тагига қўйган.

Бахтга қарши дам олиш кунлари бу ерга келиб қолган қўшнилар унинг бундай бетакаллуфлигидан дарғазаб бўлишган. Можаро туман маъмурияти аралашуви билан бирёқли бўлди. Узоқ баҳс-мунозаралардан кейин Андрейченконинг қўшнилари ҳовлисидаги қорни кураб, ўзининг ҳовлисига ташлагани ўзгалар мулкига қилинган тажовуз, деб баҳоланди. Қор ўғриси қаттиқ огоҳлантирилиб, ўғирланган «мулк» қайтирилиши унинг зиммасига юкланди.

### ТОМДАН ТУШГАН ҚОРБОБО

**Қорбобони кутавериб тоқати тоқ бўлган қизалоқ Лиза аввалига хархаша қилди, кейин йиғлашга тушди. «Сеҳргар Қорбобо»ни уйига чорлашган ота-она фарзандининг йиғисидан ғазабга минишди: ахир, пулини олдиндан тўлаб қўйгандан кейин кела қолмайдими!..**

Сизран шаҳрида рўй берган ҳодиса янги йил қувончидан Лиза ва унинг ота-онасини тамоман маҳрум этишига бир баҳя қолди. Қизалоқнинг арча тагида йиғлаб ўтирганидан жонлари чиққудай дарғазаб бўлган ота-она роса икки соат кечикиб ташриф буюрган Қорбобонинг ёқасидан олишди. Ҳар ким ўзининг ҳақлигини исботлашга киришиб, жанжал авжига чиққан бир маҳалда озроқ «отиб» олган Қорбобо дераза ромига қаттиқ урилиб, беҳосдан пастга қулаб тушди. Лизанинг ота-онаси бешинчи қаватдан жонларини ҳовучлаб ҳовлига тушишганда Қорбобо кўтариб юрган қопининг устида тинчгина ухлаб ётган экан... Бахтига қопга тўлдириб олган духоба қоплаб тикилган катта ўйинчоқ айиқ бешинчи қаватдан учган Қорбобо жонига оро кирибди. Томдан тушган Қорбобони қўни-қўшни болалар ўраб олишганди.

### ҚОР ОДАМ ВЛАДИМИРДА

**Владимир шаҳрида Қор одам ҳақида гап-сўз тарқалди. Ашёвий далил сифатида чорбоғларда Қор одамнинг қорда қолган излари кўрсатилди.**

Ҳақиқат ҳам қордаги излар одамларни ишонтирди. Чиндан ҳам из Қор одамникига ўхшарди... Бироқ маълум бўлишича, қор одам шаҳарликларнинг боғ ҳовлиларини қўриқлайдиган қоровул экан. Қоровул, шунчаки оддий қоровул эмас, балки ўткир психолог ҳам экан. У оддий фанердан катта «оёқ» ясаб, қорда шу «оёқ»ларни кийиб, дала ҳовлиларни айланиб ўтган.

Бу амални қоровул шунчаки эрмак учун қилмаганини айтди. Боғ-ҳовлиларга тушишни мўлжаллаган ўғрилар Қор одамнинг изини кўриб, тум-тарақай қочиб кетишган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 970. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—4309